

ISSN 2181-9521

№ 8-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонидан кўчирма:

Сўнги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар муурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солилмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

Қуйидагилар суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоэ этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инobatга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қоплалишини таъминлаш;

шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самардорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизминини жорий қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг **жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш** бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича **барча тарафларга бериш**;

агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахснинг ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича **барча тарафларга бериш**;

шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилатганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда **ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш**;

судланувчининг жиноят содир этилишига даҳли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахснинг аниқлаш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси (Камилов) — Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида қабул қилинган Фармон нормалари судларда **тўғри татбиқ этилиши**, шунингдек, суд-тергов фаолиятида **шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устидан суд назоратини кучайтириш** масалаларини кўриб чиқсин.

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 6 августдаги №КҚ-116-IV-сонли қарори билан Холмўмин Буврабоевич ЁДГОРОВ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси лавозимига тайинланди.



Ёдгоров Холмўмин Буврабоевич – 1965 йил 24 августда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Гараша қишлоғида деҳқон оиласида туғилган.

1982 йил ўзи таваллуд топган қишлоқдаги 78-сонли ўрта мактабни, 1991 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда ширкат хўжалиги ишчилигидан бошлаб, 1988-1995 йилларда туман судида суд мажлиси котиби, суд ижрочиси, туман прокуратураси терговчиси вазифаларида ишлаган.

Судьялик фаолиятини 1995 йилда Сирдарё вилоят, Сирдарё туман судининг судьялигидан бошлаган. 2001-2003 йилларда Сирдарё вилоят суди судьяси, 2003 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, 2007 йилдан бошлаб Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси, 2017 йилдан 2020 йилнинг 6 августигача Олий суд раисининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

Х. Ёдгоров қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда судларда ишларнинг ўз вақтида ва қонуний кўрилишини таъминлаш, ягона суд амалиётини жорий этиш борасида самарали фаолият юритаётган тажрибали ҳуқуқшунос.

У ўз фаолиятида кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратиб келади. Жумладан, оммавий ахборот воситаларида 100 га яқин ҳуқуқий мақолалари ҳамда “Якка тартибда қурилган уйга нисбатан мулк ҳуқуқи”, “Васиятнома – ҳуқуқий оқибат ҳужжати”, “Ерга оид низолар бўйича суд амалиёти”, “Битимларга оид суд амалиёти”, “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш хусусиятлари”, “Фуқаролик ишлари бўйича суд ажрими намуналари”, “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти”, “Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд

амалиёти”, “Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатлари”, “Вояга етмаганларнинг таъминот олиш ҳуқуқи”, “Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича амалий қўлланма”, “Суднинг ҳал қилув қарорини тузиш бўйича амалий қўлланма”, “Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби”, “Ворислик ҳуқуқи”, “Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи”, “Мулк ҳуқуқи”, “Оила муқаддас даргоҳ”, “Меҳнат ҳуқуқи қонун ҳимоясида”, “Ворислик ҳуқуқи қонун ҳимоясида”, “Ерга нисбатан ҳуқуқнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш тартиби” номи 20 дан зиёд китоб ва қўлланмалари чоп этилган.

Х. Ёдгоров суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислохотларни амалга ошириш, қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонунларга шарҳ бериш, Олий суд Пленуми қарорлари тайёрланишида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган.

Фуқаролик иш юритишини соддалаштириш, суд буйруғи институтини жорий этиш, судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, “E-SUD” миллий ахборот электрон тизимини яратиш ва судларда қўлланилишини йўлга қўйилишида катта ҳисса қўшган.

Шунингдек, Х. Ёдгоров ўз меҳнат фаолияти даврида ёш авлодни тарбиялаш, судьяларни касбга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги натижасида бугунги кунда 50 дан зиёд шогирдлари суд тизимида самарали фаолият юритмоқда.

Х. Ёдгоровнинг соҳада олиб борган меҳнати давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, у 2010 йилда “Дўстлик” ордени, 2016 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” унвони билан тақдирланган.

**“ODILLIK MEZONI”
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Гулчехра ГУЛЯМОВА

Сахифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 25.08.2020 да рўхсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 2100

Баҳоси келишилган нархда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Юнусобод тумани,
Олой кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6



**Шахснинг ҳуқуқ ва
эркинликларини
ҳимоя қилиш янги
жамиятнинг бош
мақсадидир**

Жараён

12



**Судьялар олий
кенгашининг
навбатдаги
йиғилишида ҳам
шаффофлик устувор
аҳамият касб этди**

Ибрат

15



**Султонга
дарс берган
кул**

Давр кўзгуси

16



**Дастлабки
эшитув
институтини
қандай самара
беради?**


Қиёсий таҳлил

22



**Суд ҳокимияти
мустақиллиги
ва одил судлов
самарадорлигини
таъминлашда
халқаро
рейтингларнинг роли**

Муҳим мавзу **26**




Коронавирус пандемияси форс-мажорми?

Мулоҳаза **30**



Илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолаш: миллий ва хорижий тажриба

Судья минбари **33**



Вазифаларимизни қай даражада бажаряпмиз?

Суд очерки **36**



Ўзига қарши тўқилган ёлғон

Инсон ва жамият **38**




Карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари

Янги босқич **42**




Кластер тушунчасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Эътироф **46**



Кенглик

Важная тема **48**




Осуществление прокурорского надзора за исполнением законодательства в рамках проектов "Сфера без коррупции"

Судебно-правовая реформа **52**



Важный шаг в судебно-правовой реформе Узбекистана

Этика поведения **54**



Комплаенс-контроль в сфере обеспечения соблюдения этических норм на предприятии

Уголовное судопроизводство **56**



Обеспечение гарантий прав и интересов потерпевшего в уголовном судопроизводстве Республики Узбекистан

On mediation **61**



Protection of labor rights in mediation: Uzbekistan and Russian experience

ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Инсонни эъзозлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш янги жамиятнинг бош мақсадига айланди.

2020 йил 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай, 10 август куни Давлатимиз раҳбари “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Ҳар иккала Фармонда белгиланган вазифалар инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган.

Жорий йилнинг 10 август куни қабул қилинган Фармон мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўйбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидаги давра суҳбатида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти билан батафсил танишасиз.

Улғубек МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича
вакили (омбудсман):



– Тараққиётнинг янги бир босқичини бошлаган Ўзбекистон инсонпарвар ислохотларнинг ташаббускори сифатида дунё ҳам-жамиятининг алоҳида эътирофига сазовор бўлмоқда. Кейинги уч-тўрт йил ичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кўплаб Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъ-

зозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятига айланди”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мана шу соҳадаги кенг қамровли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Лекин, суд-тергов органлари фаолиятининг бугунги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир ҳам бу борада жиддий хато-камчиликлар бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фаолиятига аҳолининг ишончсизлиги борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги оқибатида баъзи бир ҳаётий муаммолар келиб чиқмоқда. Жумладан, Андижон шаҳар ва

Чироқчи туман ички ишлар идораларида фожиали ҳолатлар содир бўлди. Ушбу аянчли воқеаларга Давлатимиз раҳбари ҳам кескин муносабат билдириб, суд-тергов органлари раҳбарлари бундан тегишли хулосалар чиқаришлари кераклигини қайд этди. Бугунги кунда ушбу воқеаларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходимлари қонун олдида жавоб бермоқда, 7 нафар раҳбар лавозимидан озод этилган бўлса, яна 16 таси интизомий жавобгарликка тортилган. Бироқ, суд-тергов органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли иккита фуқаронинг ҳаётига бевақт нуқта қўйилди. Бунинг оқибатида қанча инсонларнинг қалби вайрон бўлди. Ҳар иккала ҳолат кенг жамоатчиликнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Бундан кўрииб турибдики, шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарурати бор.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи белгиланди.

Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан яна бири унда шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиниши белгиланаётганидир. Ярашув институтини қўллаш тартиби жорий қилиниши, биринчидан, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик, ўзаро ҳурмат, аҳиллик ва меҳроқибат каби ўлмас фазилатларга ҳамоҳан бўлса, иккинчидан, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кўпчилик ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ярашув институти турлича атамалар, хусусан,

медиация, келишув битими тузиш, аризани қайтариб олиш ва бошқалар билан қонунчиликка киритилган бўлиб, мазмунига кўра айбдорнинг жабрланувчи билан ярашганлигига кўра жиноий таъқибни тўхтатишни англатади.

Хулоса қилиб айтганда, Фармонда белгиланган вазифалар жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.



Қахрамон ИСАРОВ,
*жиноят ишлари бўйича
 Янгийўл шаҳар суди раиси:*

– Улуғбек Насриддиновичнинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш керакки, мазкур Фармон бугунги кундаги суд-тергов органлари фаолиятини чуқур ўрганиш, қайси босқичда қандай хато ва камчиликларнинг борлиги атрофлича таҳлил этилиши натижасида қабул қилинган.

– Улуғбек Насриддиновичнинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш керакки, мазкур Фармон бугунги кундаги суд-тергов органлари фаолиятини чуқур ўрганиш, қайси босқичда қандай хато ва камчиликларнинг борлиги атрофлича таҳлил этилиши натижасида қабул қилинган.

Жумладан, Фармонда биринчидан, умумэтироф этилган демократик принциплардан келиб чиққан ҳолда ушланган шахснинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш мақсадида:

– ушлаб туриш муддатини жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб эмас, балки шахс ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

– шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб, тегишли мансабдор шахс у билан боғлиқ суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин ҳимоячи билан холи учрашувни таъминлаши шартлиги ҳақидаги қоида назарда тутилмоқда.

Вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган

муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, жиноят процессида энг муҳим босқич бўлган судга қадар иш юритиш даврида шахс ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида:

– агар ушланган айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланмоқда;

– шахсни жиноят ишида айбланувчи сифатида жалб қилиш учун реал асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, процессуал ҳуқуқларини тушунтирмасдан туриб, ундан бирон бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш ман этилмоқда.

Маълумки, айбланувчининг қонун ва халқаро ҳужжатларда акс этган энг асосий ҳуқуқларидан бири кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқидир. Демак, Фармон билан ушбу ҳуқуқни амалиётда тўлиқ рўёбга чиқариш имконияти яратилмоқда.

Учинчидан, айбига иқрорлик бўйича келишув институти киритилмоқда.

Унга кўра, айрим тоифадаги жиноятлар бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, шунингдек, келтирилган зарарни бартараф этган тақдирда унга нисбатан қонунда белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинланади.

Бундан ташқари, эндиликда ушбу тоифадаги жиноят ишлари соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиб, фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигининг олди олинади.

Қисқача фикр-мулоҳазаларимни хулоса қиладиган бўлсам, Фармон мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда такомиллаштириш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.



Рустам ХАЙДАРОВ,
Тошкент вилояти
иқтисодий суди раиси
вазифасини бажарувчи:

– Ушбу Фармонда суд, тергов, терговга қадар амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларда

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланиши учун мустақкам ҳуқуқий асослар яратилиши назарда тутилган. Юқорида таъкидлаб ўтилган суд-тергов амалиётидаги баъзи бир хато ва камчиликлар Фармонда қонунчиликка киритилиши назарда тутилаётган янги тартиблар билан бартараф этилади. Хусусан, терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумни тиббий кўрикдан ўтказиш илтимоснома асосида 24 соат ичида вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт. Бу вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига ҳам тааллуқли. Бунда харажатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қопланади. Айтиш керакки, мана шу янги тартиб орқали терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахс ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан қонун бузилиши ҳолатларининг олди олинади. Бундай ҳолатлар юзасидан суд-тергов органлари ходимлари томонидан турли зўравонлик қилинганлиги билан боғлиқ мурожаатлар кўриб чиқиляётганда, энди улар алоҳида шифокор кўригидан ўтказилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув ёки тергов жараёнида айб эълон қилинган шахс, агарда Фармоннинг тегишли бандида назарда тутилган аҳоли қатламларига кирса ҳамда унинг содир этган жинояти учун жазо Фармонда белгиланган меъёрларга тўғри келса, бундай ҳолатда ушбу шахс очикда бўлади. Унга нисбатан бошқа эҳтиёт чораси (гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат) қўлланилади.

Фармонда белгиланган вазифалар мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини сифат жиҳатдан янги бир босқичга кўтаришга сабаб бўлади. Натижада суд-тергов идоралари ходимлари фаолияти халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба талаблари даражасида такомиллаштирилади.

Музаффар КУКИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Сергели туман суди судьяси:



– Дарҳақиқат, сўнгги йилларда суд-тергов органлари фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштириш бўйича янги тарихий давр бошланиб, мазкур йўналишдаги давлат сиёсати янги босқичга олиб чиқилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифа сифатида белгиланган ва бу изчил амалга оширилмоқда. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг бир қатор асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Бундан буён тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олиш мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади.

Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчининг оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра, суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартиби жорий қилинади.

Бунга кўра, сўроқ қилиниши лозим бўлган шахс оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини тарафлар илтимосига кўра аввалдан мустаҳкамлаб, сўнг ушбу кўрсатувларни суд

процессида далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқи иш бўйича барча тарафларга берилади.

Ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланди.

Суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқи иш бўйича барча тарафларга берилади.

Мазкур Фармонда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга, уларнинг шаъни ҳамда кадр-қиммати камситилишига йўл қўймасликка, суд ва тергов органларининг масъулиятини янада кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.



Хушнид УСМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қуйичирчиқ туман суди
судьяси:

– Юқорида ҳамкасбларимиз томонидан тўғри таъкидлаб ўтилганидек, жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш зарурати бор эди. Шу маънода, 2020 йил 10 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Фармонда жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий этиш лозимлиги тўғрисида вазифа қўйилди. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу Фармонда назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш борасида фикрларимни билдириб ўтмоқчиман.



Ҳақиқатан ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларда қонунларга қатъий итоаткорлик туйғусини шакллантириш механизмларини жорий этиш ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ, эркин фуқаролик жамиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб ҳисобланади. Амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти ҳам бевосита мана шу омилга боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида ҳуқуқий тарғибот масаласига алоҳида тўхталиб, куйидаги фикрларни билдирган эдилар: “Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижросчиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.”

Демак, Фармон талабидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кундаги ахборот коммуникация технологиялари имкониятидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиши орқали уларда қонунларга сўзсиз итоат этиш кўникмаси вужудга келади. Пировард натижада бу орқали қонун устуворлигининг амалда таъминланишига эришилади. Зеро, жамият ва давлат тараққиётини белгилувчи энг асосий мезонлардан бири ҳам қонун устуворлигига эришишдир.



Сирожиддин ҚУВВАТОВ,
Жомбой туманлараро
иқтисодий суди судьяси:



– Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг ажралмас хусусиятига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 10 августда имзоланган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган суд-тергов органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

Жумладан, Фармонда жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйлаётгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, жиноят содир этилганидан кейин унга чора-тадбирлар белгилашдан кўра, жиноят содир этилишининг олдини олиш яхши самара беради. Бунинг учун Фармонда қайд этилганидек, бу борадаги механизмни ишлаб чиқиш лозим. Минг афсуски, бугунги кунда ҳаётда рўй бераётган аксарият жиноятчилик билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит тўғрисида содир этилмоқда. Бу борадаги статистик маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳар йили 30 мингдан ортиқ оилаларнинг ажралиши қайд этилиб, бу масалалар бўйича судларга мурожаат этганларнинг 70 фоизидан ортиғи оиласида носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит, эр-хотин, қайнона-келин ўртасида келишмовчилик ва низоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Биргина оилавий ажралишлар оқибатида жиддий ижтимоий муаммолар вужудга келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг, хусусан қотилликнинг 28 фоизи, қасддан баданга шикаст етказишларнинг 20 фоизи, ҳақорат қилиш ва тўхматнинг 12,5 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Шунинг учун, жойларда, маҳаллаларда низоли оилалар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан манзилли ва тизимли профилактика тадбирлари олиб борилишининг самарали механизмларини ишлаб чиқиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши жоиз. Бунда, барча ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан ночор аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш, оила-турмуш доирасидаги жиноятлар, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини мунтазам хабардор этиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши керак.



Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармонда белгиланган вазифалар суд-тергов, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ўз касб фаолиятларини амалга оширишда катта масъулият юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, Фармон қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалда таъминлаш орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради. Зеро, ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАШ жамиятнинг бош мақсади.

Давра суҳбатини
Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ҲАМ ШАФФОФЛИК УСТУВОР АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ

Янги Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2020 йил 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида очиқ-ошкора руҳда бўлиб ўтди.

Қуйида тадбир ташкилотчилари ва қатнашувчилардан олинган интервьюлар билан батафсил танишасиз.

Санжар ДУСМАНОВ,

Судьялар олий кенгаши аъзоси:

– Навбатдаги Кенгаш йиғилишининг ўзига хос жиҳати шундан иборат бўлдики, унда кўплаб оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, бевосита жараёни кузатиш имконига эга бўлди. Бунинг учун уларга керакли шарт-шароитлар яратилди. Бундай янгича ёндашув, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари илғор демократик давлатлар тажрибаларига ҳамоҳанг бўлиб, Судьялар олий кенгаши фаолиятида судьяларни янгича мезон ва тартиб асосида шаффоф тайинлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида Кенгаш фаолиятининг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унда очиқлик принципи алоҳида қайд қилинган.

Жорий йилнинг 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни такомиллаштиришга қаратил-



ган бир қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурган эдилар. Хусусан, тизим фаолияти очиқлик мезонига асосланмас экан, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш масаласида амалга ошириладиган ишларга соя тушаверишига алоҳида урғу қаратган эдилар.

Бугунги кунда жами 175 та судьялик лавозимлари вакант бўлиб, уларни муносиб кадрлар билан тўлдириш борасида белгиланган тартибда барча чоралар кўрилмоқда.

Кенгаш фаолиятида илк марта бўш судьялик ўринлари учун ҳудудлар кесимида танлов ўтказилиши оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилингани ҳам бу борада амалга ошириладиган ишлар самараси ҳисобланади.

Бугун бўлиб ўтган Судьялар олий кенгашининг навбатдаги йиғилишида беш йил ва ундан ортиқ муддат судья сифатида фаолият юритиб, муддати тугаган 19 нафар судьяни навбатдаги янги ваколат муддатига тайинлаш масаласи кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилояти судьялари бевосита Кенгаш йиғилишига таклиф этилган бўлса, узоқ вилоятлардаги янги ваколат муддатига тайинланаётганлар билан суҳбат видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.



Алишер БОБОМУРОДОВ,

Бухоро вилояти маъмурий суди судьяси:

– Мен, судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Бухоро вилояти маъмурий суди судьяси лавозимига тайинландим. Бухоро вилоятидан онлайн тарзда Кенгашнинг йиғилишида иштирок этдим.

Бугунги тадбирни судьялар учун шартли равишда имтиҳон деб юритадиган бўлсак, бу сафарги имтиҳон юқори талабчанлик асосида ўтказилди. Унда қўйилган саволлар бугунги кун судьяси билиши шарт бўлган масалаларни қамраб олган. Кенгаш аъзолари томонидан берилаётган саволлар орасида судьянинг касбий билимларини аниқлашдан ташқари, унинг дунёқараши, фикрлаши ва қарор қабул қилишдаги қатъиятини синаб кўришга қаратилган саволлар бор эди. Судьяларга қўйилган бундай талаб ниҳоятда ўринли деб биламан. Сабаби, судьялик катта масъулият талаб этадиган оғир ва шарафли лавозим бўлиб, судьялар бевосита жамият ва инсон тақдирига оид қарорлар қабул қиладилар.

Давлатимиз раҳбари кўплаб маъруза ва чиқишларида “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби” – дея биз судьяларнинг олдига адолатни қарор топтиришдек ниҳоятда масъулиятли вазифани қўйдилар. Бугунги кун судьяси мана шу вазифани бажаришга қодир бўлиши керак. Мен уйлайманки, акс ҳолда у судья деган шарафли касбга нолайиқ бўлади.

Турсунали АКБАРОВ,

“Xabar.uz” сайти мухбири:

– Кенгаш йиғилишида шаффофликни таъминлашнинг бир қатор муҳим жиҳатлари бор.

Биринчидан, унга оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари таклиф қилиниб, журналистлар навбатдаги муддатга тайинланиш умидида келган 19 нафар судьянинг имтиҳон топишириши жараёнининг (ОАВ ходимлари учун махсус ташкил этилган хонадаги монитор орқали) бевосита гувоҳига айланишди.

Иккинчидан, судьялик ҳазилакам лавозим эмас. Айни мартабадаги шахс фаолияти бевосита инсон тақдирига боғлиқ бўлиб, шунинг учун ҳам у ДАВЛАТ номидан ҳукм ёки қарор чиқаради. Бундай юксак ва ўта масъулиятли лавозимга тайинлаш ишларида очиқлик ва шаффофлик таъминланмас экан, ижтимоий адолатни ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишларга соя тушаверади. Зеро, ҳар қандай вазифа – кадрларга боғлиқ, шу нуқтаи назардан суддаги адолат тантанасига Кенгашда тамал тоши қўйилади. Бу эса судьялар корпусини шакллантиришга масъул Кенгаш ўз фаолиятида очиқлик ва шаффофлик тамойилларига риоя қилиши шарт эканини англатади.



Мухиддин СУЛТОНОВ, Тошкент шаҳар иқтисодий судининг судьяси:

– Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг бу галги мажлисидаги синов жараёнлари шаффоф тарзда



ўтказилиб, номзодларга ҳамда жамоатчилик вакилларига жараёни, берилаётган саволлар ва бошқа номзодларнинг саволларга бераётган жавобларини онлайн тарзда бевосита кузатиб бориш, ўзига хулоса чиқариш имкони яратилди. Бу ҳолат судьянинг билимига тўғри баҳо берилишида пайдо бўлиши мумкин бўлган асоссиз шубҳа ва гумонларни мутлақо истисно этади. Ҳар бир номзодга имтиҳондан сўнг у судьялик лавозимида тайинланганлиги ёки тайинланмаганлиги ҳақидаги Судьялар олий кенгашининг қарори ҳам жамоатчилик гувоҳлигида эълон қилинди.



Нафақат суд тизимида, балки ҳар қайси соҳада ҳам жамоатчилик ва фуқароларимизнинг ишончини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири очқлик ва шаффофик ҳисобланади. Сабаби, шу вақтга қадар судьяларни лавозимларга тайинлаш жараёни, мажлис ўтказиш тартиби ва судьяларга бериладиган саволлар ва тавсиялар ҳақида жамоатчиликда аниқ тасаввур мавжуд эмас эди.

Бу жараёнларнинг барчаси Судьялар олий кенгаши фаолиятида очқлик сари яна бир катта қадам ташланганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг навбатдаги йиғилишда бир қатор номзодлар судьяликнинг янги ваколат муддати даврига тайинландилар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 63, 63¹, 63²-моддалари ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунининг 7, 17-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2020 йил 20 августдаги қарори билан қуйидагилар:

Алишер Бобокулович Бобомуродов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Бухоро вилоят маъмурий суди судьяси лавозимида;

Ахрор Ибрагимович Сулайманов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси лавозимида;

Жамшид Раҳимбоевич Ҳайдаров судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар судининг раиси лавозимида;

Жамшид Шокирович Мамуров судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси лавозимида;

Мухиддин Пўлотжонович Султонов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Тошкент шаҳар иқтисодий судининг судьяси лавозимида;

Муса Абдурахманович Юсупов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг судьяси лавозимида;

Одилжон Шербаевич Турдиев судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Наманган вилоят маъмурий судининг судьяси лавозимида;

Осим Адилевич Садиков судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга Наманган вилояти Учқўрғон туманлараро иқтисодий судининг раиси лавозимида;

Ориф Мустапаевич Қурбонов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси лавозимида;

Тўхтамурод Мустафоевич Ражабов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Учқўрғон туманлараро судининг раиси лавозимида;

Учкун Шониязович Турсунов судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Тошкент вилоят маъмурий судининг судьяси лавозимида;

Улуғбек Тўраевич Жўраев судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Олот туман судининг раиси лавозимида;

Фазлиддин Мухиддин ўғли Ёдгоров судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси лавозимида;

Чўлпаной Рўзибаевна Исмоилова судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси лавозимида;

Ўктам Қодирович Мурадov судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга Самарқанд вилояти Тайлоқ туманлараро иқтисодий судининг раиси лавозимида тайинландилар.

Шунингдек, Судьялар олий кенгашининг қарори билан 4 нафар номзод захирада қолдирилган бўлса, 1 нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилди.

А. ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

СУЛТОНГА ДАРС БЕРГАН ҚУЛ

Аёз исмли бир қул тақдир бўлиб, Султон Махмуднинг хизматкори бўлибди. Султон кулининг одоб-ахлоқини кўриб, уни яхши кўриб қолибди. Шунчалик ишончини қозонибдики, бутун салтанатнинг хазинабони этиб тайинланиб, саройнинг барча хазина-бойликлари унга топшириладиган бўлибди. Бу ҳолатни кўрган саройдагиларнинг баъзилари бунга ҳасад қилишибди.

Ҳасад ва кибрлари туфайли “шундай оддий бир қулга бунчалик катта мавқеъ берилиши”ни ва ўзларининг шу даражада ҳам обрўлари йўқлигини ўзларига сингдира олмабдилар. Ҳолат шундай давом этгач, Султонга ҳар куни, ҳар хил баҳона билан Аёздан шикоят қила бошлашибди. Унинг обрўини тушириш учун қўлларидан келган ҳамма йўлни синаб кўришибди.

Кунларнинг бирида Султоннинг ҳузуринида бир сарой аъёни иккинчисига: “Қул Аёз хазинага тез-тез қатнайди-ган бўлиб қолди, биласанми? Менимча у гавҳарларимизни ўғирлаб юрибди. Бунга аминман”, дебди.

Бунни эшитган Султон қулоқларига ишонмай “Ҳақиқатан ҳам шундаймикин, шундай бўлса ўз кўзим билан кўрайин” деб, хазина хонаси деворига кичкинагина тешикча тештирибди. Шундай қилиб, ичкарида бўлаётган нарсаларни томоша қилишни бошлабди.

Кеч тушибди, қул секин сарой хазинасига бориб, эшикни ҳам билдирмасдан ётиб ичкарига кирибди. Султон қулнинг сандиқ олдида яқинлашганини кўрибди. У ерда яшириб қўйгани кичкинагина бир тугун экан. Тугунни ўтиб, пешонасига суртиб уни очибди. Ичидан қуллик пайти кийган эски-туски кийими чиқибди. Уни кийиб ойнанинг олдида ўтибди. Ўзига ўзи: “Авваллари шу кийимни кийиб юрганингда ким эканлигинг-

ни эслайсанми?” – деб сўрабди. – Ҳеч ким... Бор йўғи сотиладиган қул эдинг, холос. Аллоҳ сенга Султоннинг қўли билан, лойиқ бўлмасанг ҳам Ўз раҳматидан шундай неъматларини лутф қилди. Асло қаердан келганингни унутма! Чунки, мол-мулк инсоннинг ақлини олади, унутишга мажбурлайди. Шундай экан, сен ҳам сендан камроқ неъматга эга бўлганларга паст назар билан қараб, кибрланма! Бунга асло унутма, эй Аёз! – деб сандиқни ётиб, қулфлабди ва секингина эшикдан чиқибди. Хазинадан чиқар-чиқмас, Султон билан юзма-юз келибди. Шунда Султон Аёзга қараб туриб, кўзидан дона-дона ёш оқа бошлабди. Султон гапиришга ҳам қийналиб, томоғи ҳам тиқилиб қолибди ва ўзини мажбурлаб бўлса ҳам қулига шундай дебди:

– Бугунга қадар бойликларимнинг хазинабони эдинг. Энди... Қалбимизнинг ҳам хазинабонига айландинг. Менга, ҳақиқий Султоним олдида ҳеч ким эканлигимни ва унга қандай муносабатда бўлишим кераклигини ўргатдинг...

Жалолiddин Румийнинг “Маснавий”сидан олинди.

HAREM

HAR



Сурайё РАҲМОНОВА,
Судьялар олий
мактабининг
Жиноят ҳуқуқи
кафедраси мудири,
юримдик фанлар
доктори, доцент

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шу йилнинг 24 июль куни имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши суд органлари фаолиятини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиради. Жумладан, мазкур Фармон билан суд тергови жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафлар тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув босқичи жорий этилмоқда. Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган мақолада суд амалиётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу институтнинг моҳияти, бу борадаги илгор хорижий тажриба билан танишасиз.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ НИМА? УНИНГ ТАРИХИ ҚАНДАЙ?

Дастлабки эшитув – суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шакллари билан бири ҳисобланиб, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида жиноят ишининг келгуси ҳаракати масалалари тортишув принципини амалга ошириш орқали ҳал этилишини кўзда тутди. Дастлабки эшитув суд томонидан амалга ошириладиган ишни суд муҳокамасига тайинлашнинг муқобил шакли бўлиб, алоҳида процессуал тартибда амалга оширилади. Тарихан оладиган бўлсак, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг бир неча типик шакллари (тафтиш-қидирув, тортишув-таъминловчи, аралаш) мавжуд бўлиб, улардан энг самаралиси тортишув-таъминловчи модели бўлиб, алоҳида жиҳатлари билан фарқланади: мазкур босқичдаги барча масалалар суд муҳокамаси доирасида ҳал этилади; жараённинг тортишув шаклида олиб борилиши; айбланувчи ва ҳимоячи иштирокининг шартлиги; судья ваколатларининг кенглиги, жумладан, шу босқичнинг ўзида ишни тугатиш имконияти.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичининг аҳамияти шундаки, мазкур босқичда жиноят процессининг янги иштирокчиси – судланувчи пайдо бўлади ва у айбланувчидан фарқли ўлароқ янги процессуал мақомда тергов органлари томонидан илгари сурилган айбловни инкор этиш орқали ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларига эга бўлади.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

Айтиш жоизки, дастлабки эшитув институти у ёки бу шаклда қатор хорижий давлатлар жиноят процессида амал қилади. Шу нуқтаи назардан, дастлабки эшитувни миллий қонунчиликка оптимал равишда татбиқ этиш масаласини ҳал этиш учун мазкур тартибнинг хорижий регламентацияси хусусиятларини таҳлил этиш муҳимдир. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида намуна сифатида дастлабки эшитувнинг (preliminary hearing) классик шакли Буюк Британияда вужудга келган. Жумладан, айблов акти асосида таъқиб этиладиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан дастлабки эшитув магистрат-судья томонидан олиб борилади. Бунда судья судланувчининг айбдорлиги масаласига тўхталмасдан айнан мазкур шахс томонидан жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи етарли далиллар тўпланганлиги; барча далиллар мақбул эканлиги, яъни ҳуқуқ нормаларининг бузилиши натижасида олинмаганлиги тўғрисида дастлабки хулоса қилади.

Инглиз жиноят процессида дастлабки эшитув натижалари юзасидан суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: агар магистратлар бу учун айблов томонидан тақдим этилган “далиллар етарлича” деб ҳисобласалар, айбланувчини судга бериш; аксарият ҳолларда жиноят иши юритувини тугатиш. Дастлабки эшитув айблов акти билан судга юбориладиган жиноятлар бўйича амалга оширилиб, шартлари қуйидагича:

1. Дастлабки эшитувда айбланувчи иштирокининг шартлиги;

2. Магистратлар фақат айблов тақдим этган далилларни кўриб чиқиши;
3. Ҳимоя тарафи исботлашни амалга оширмаслиги;
4. Гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки ёзма тушунтиришлари далилларнинг манбаи ҳисобланиши;
5. Судда айблов томонидан тақдим этилган далилларни кўриб чиқмаслик ҳуқуқи сақланади. Бошқача айтганда, тақдим этилган далилларнинг мазмунини кўриб чиқиш тарафлар ўртасида низо мавжуд ёки йўқлиги билан белгиланади, агар низо мавжуд бўлмаса, жараён формал тусга эга бўлади.

АҚШ магистрат судларида ҳам деярли шунга ўхшаш жараён амалга оширилади (preliminary examination). Бироқ, дастлабки эшитувнинг америкача шакли инглиз шаклига таянса-да, айрим ўзига хос жиҳатларга эга. АҚШда дастлабки эшитув асосан қамоқ қўлланилиши мумкин бўлган оғир жиноятлар (фелония) бўйича ўтказилади. АҚШда дастлабки эшитув махсус судья томонидан айблов ҳужжати рўйхатга олинган вақтдан бошланиб, унда эҳтиёт чораси (одатда, қамоқ, гаров ёки шахсий кафиллик каби эҳтиёт чоралари) қўлланилади, “айбни тан олиш тўғрисидаги келишув” тузиш мумкинлиги; айбланувчининг қўшимча гувоҳларни чақириш ҳақидаги илтимосномаларини ҳал этиш, тарафларнинг тўпланган далиллар билан қисман танишуви тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилади.

Дастлабки эшитув натижалари бўйича ишнинг кейинги ҳаракатига зарурат борми ёки йўқми деган асосий саволга жавоб беради. Шу тариқа, айбланувчини оғир жиноят учун жавобгарликка тортиш асослари мавжуд деб топилганда, магистрат-судья айблов ҳужжатини ишни мазмунан кўриб чиқадиган судга (trial court) юбориш тўғрисида қарор қабул қилади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, АҚШ жиноят ишлари юритувида дастлабки эшитув суд жараёнининг марказий майдони ҳисобланиб, жиноят ишларининг 96 фоизи (!) дастлабки эшитувда кўрилиб, ҳал этилади, 4 фоиз ишларгина Катта жюри судигача (grand jury) етиб боради. Бу албатта, АҚШ суд иши юритувининг тарафлар ўртасидаги ниҳоятда кучли тортишувга асосланганлиги билан англашиладики, дастлабки эшитувда жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш билан эмас, айблов ва ҳимоя тарафлари ўртасида далилларнинг “сифати” ва уларнинг процессуал “оқибати” юзасидан гоҳида ўзаро баҳс, гоҳида ўзаро келишув шаклида муҳокама боради.

Континентал ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар, хусусан, Германия, Франция, Испания жиноят ишлари юритувида ҳам дастлабки эшитув тартиби амал қилиб, у ўзига хос шаклга эга. Германияда суд ваколат доирасининг ўзига хос мо-



дели амалда бўлиб, судьяга назорат ва текширув функциялари юкланади. Дастлабки эшитувнинг немис шаклида, айбланувчини таъқиб қилиш учун асос ва зарурат мавжудлигини, ишни судда асоссиз кўришнинг олдини олишни, айбланувчида қўшимча далилларни тақдим этиш юзасидан илтимосномалар киритиш имконияти мавжудлигини аниқлашга хизмат қилади. Франция дастлабки эшитув институти аналогич сифатида дастлабки тергов тергов камераларида амалга оширилиб, ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорни терговчи-судья ҳал этиб, бунда: терговчи-судьянинг қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиши, суриштирув ёки биринчи инстанция дастлабки тергови вақтида қабул қилинган процессуал ҳужжатларни ва амалга оширилган ҳаракатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади. Испанияда мураккаб бўлмаган, ўртача оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишда тезлаштирилган тартиб (Juicio rapido) қўлланилиб, 72 соатдан кўп бўлмаган муддатда терговчи-судья томонидан олиб борилган текширув асосида тезлаштирилган суд тартибини қўллаш тўғрисидаги қарорга келинса, прокурор ва айбланувчи иштирокида дастлабки муҳокама тайинланади ва унинг доирасида ишни тугатиш ёки у бўйича суд муҳокамасини ўтказиш масаласи ҳал этилади. Юқоридаги қарор қабул қилинганида, прокурор айбловни ўқиб эшиттиради, судланувчи эса айбловни тан олиши ёки уни рад этиши ва ўз тушунтиришларини билдириши мумкин. Агар судланувчи айблов билан рози бўлса, судья дарҳол ҳукм чиқаради. Қачонки, судланувчи айбловни инкор этса, суд муҳокамаси куни тайинланиб, иш жиноят судига кўриб чиқиш учун юборилади.

МДХ давлатларининг ўрганилаётган масалага оид тажрибаси таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади, зеро мазкур мамлакатлар Ўзбекистон билан ягона ўтмиш ва узоқ йиллар мобайнида умумий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларга эга бўлганлиги билан эътиборлидир. Қиёсий таҳлилларга кўра, дастлабки эшитув Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон (даст-

лабки эшитув), Озарбайжон (суд тайёрлов мажлиси), Туркменистон (дастлабки муҳокама), Молдова (дастлабки мажлис)да турлича аталса-да, моҳиятан деярли бир модель асосида, яъни алоҳида ихтисослашган судья томонидан эмас, балки келгусида жиноят ишини кўриб чиқадиغان судьянинг ўзи томонидан ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, англо-саксон, континентал ҳуқуқ тизимида, шунингдек, МДҲ давлатларидаги дастлабки эшитув институтининг қуйидаги умумий белгилари мавжуд: дастлабки эшитув суд томонидан (алоҳида процессуал тартибда) жиноят ишини суд мажлисига тайинлашнинг муқобил шаклидир; суднинг фаолияти дастлабки эшитув ўтказишга асос бўлган масалаларни мазмунан ҳал этишга қаратилади; дастлабки эшитувни ўтказиш ташаббуси, унинг предмети ва доираси қонун ёки тарафларнинг субъектив иродаси билан чегараланган бўлади; дастлабки эшитув мобайнида тарафлар ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун асосларнинг етарли эканлиги, айблов ҳажми, далилларнинг мавжудлиги ва судга қадар иш юритиш босқичида қонун талаблари бажарилганлигини муҳокама қиладилар; дастлабки эшитувда тарафлар томонидан тақдим этилган ариза ва илтимосномалар қаноатлантирилиши масаласи аниқланади; дастлабки эшитув суд томонидан қарор қабул қилиниши билан якунланади.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ОФРИҚЛИ МУАММОЛАР

Таъкидлаш зарурки, бу борада ҳозирда Жиноят процессуал кодексида (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) ўрнатилган жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи формал, янаям аниқроқ айтсак, “жонсиз” бўлиб, унда судьяга қатор кенг ваколатлар қонун билан тақдим этилган бўлса-да, мазкур ваколатларни амалга ошириш учун судьяда реал процессуал имкониятлар деярли мавжуд эмас! Муаммо нимадалигини батафсил кўриб чиқсак. Ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида судья унга келиб тушган жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш имкони бор ёки йўқлигини, фактик ва юридик асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши ҳамда ишни судда самарали кўриш учун бошқа тўсиқлар йўқлигига оид масалаларни ҳал этиши лозим. Судья жиноят иши билан танишиши ва кенг доирадаги, хусусан, иш мазкур суднинг судловига тегишлилиги; ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг йўқлиги; ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун асослар етарлилиги; суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига риоя қилинганлиги; ишни бирлаштиришда ёки ажратишда ЖПК талабларига риоя этилганлиги; айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганлиги; жиноят оқибатида етказилган

мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганлиги; айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси процессуал қонун талабларига мувофиқ тузилганлиги каби масалаларни аниқлаши лозим (ЖПК 396-моддаси).

Энди масалага қонунда баён этилган ваколатлар эмас, мавжуд реал вазият нуқтаи назаридан ёндашсак. Аввал, судья жиноят ишини ўзи фаолият юритаётган суд судловига тегишлилигини аниқлади, дейлик. Энди судьянинг олдида турган кейинги масала – жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш. Мана шу ерда ҳақиқий мураккаблик юзага келади. Гап шундаки, судьяда яқка тартибда (судьянинг ўзи ва жиноят иши материаллари) тарафлар иштирокисиз жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш учун асослар бор ёки йўқлигини аниқлашнинг реал имкони деярли мавжуд эмас. Мисол учун, дейлик, эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдорлиги аниқланса ёки яна бир қизиқ вазият – ЖПК 84-моддаси 5-қисмида кўрсатилган ҳолатлар (жиноят ишини шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиш асослари) мавжудлиги иш материалларидан аниқланса. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчисида ҳам ишни тугатиш учун, энг муҳими, айбланувчининг ўзи ва унинг ўз айбига иқрорлиги ёзма равишда талаб этилади. Хўш, судья яқка ўзи бу масалани қандай ҳал этади? Суд амалиётида одатда бундай вазиятда судья ишни тугатиш асоси мавжудлигини яққол кўриб турса-да, ноилож бунга кўз юмиб, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлайди, сўнг суд мажлисида тарафлар иштирокида бу масалани ўрганиб, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Яъни, суд муҳокамасига тайёр бўлмаган “хом” ёки умуман “истикболсиз” жиноят ишини судья ўз формал ваколатларини амалга оширишга имконсизлиги туфайли суд мажлисида кўришга тайинлайди.

Судья томонидан аниқланиши лозим бўлган яна бир ҳолат – жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқиш учун асослар етарлими, деган масаладир. Ишни судда кўриш учун “барча асослар етарли” дейиш учун ўзи қандай шартлар бажарилган бўлиши зарур? Асосларнинг етарлилиги айнан нима билан белгиланади? Афсуски, қонунда ҳам, суд амалиётида ҳам бунинг ягона мезони йўқ. Яна бир бор суд амалиётига мурожаат қиламиз. ЖПКнинг судья олдида қўйилган мазкур талабини бажариш учун судьяларимиз қандай йўл тутяпти? Қонун талабининг мавҳумлиги нуқтаи назаридан судья илжисизликдан “ишни судда кўриш учун тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги – ишни судда кўриш учун барча асослар етарлилигини билдиради” деган мантиққа таянади-да, жиноят ишини суд-

да кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорида айнан шундай баён қилади. Буларнинг барчаси мазкур босқичнинг айрим муаммоларига чизгилар, холос. Ҳозирда ишни судда кўриш учун тайинлашнинг амалдаги “кабинет шакли” тарафларнинг ҳуқуқини чекламоқда, бунда судья тарафларнинг фикрини эшитмайди ва улар билан бевосита кўришмайди, бинобарин “умумий тартибдан” сўнг тарафларнинг тўлиқ ҳажмда ва бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутувчи суд муҳокамаси ўтказилса ҳам вазият ўзгармайди.

Мазкур масалаларни демократик тарзда, яъни ўзаро тортишув, прокурор ва тарафларнинг иштирок этишига реал имкониятлар шароитида дастлабки эшитув тартибида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Яъни, судья тарафларнинг фикрларини тинглаши ва инobatга олиши, эътирозлар мавжуд бўлганда эса ўз қарорини очиқ асослантириши ва албатта, бунда судья мустақил бўлиб, унинг позицияси бирон бир иштирокчи фикри билан чегараланиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган барча масалалар бўйича судьянинг ажримлари устидан юқори турувчи судга шикоят бериш имкони бўлиши зарур, бу эса уларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини кафолатлайди

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВНИНГ ҲИМОЯ ТАРАФИ УЧУН ИМКОНИАТЛАРИ

Хўш, дастлабки эшитув тартиби процесс иштирокчилари учун, хусусан, ҳимоячи-адвокат учун қандай процессуал имкониятлар яратади? Айтиш керакки, бугунги кунда суд муҳокамаси олтидан суд айблов тарафи тақдим этган барча иш материалларига эга, лекин афсуски, ҳимоя тарафи судга дастлабки тергов босқичидан суд босқичига ўтиб келаётган илтимоснома ва шикоятлардан бошқа ҳеч нарса тақдим эта олмайди. Бунинг устига, дастлабки тергов томонидан тақдим этилган материаллар билан танишар экан, судьяда беихтиёр жиноят ҳолати, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар, ишнинг ҳолатлари ва далиллар тўғрисида умумий (алоҳида) тасаввур шаклланиши тайин. Суд муҳокамаси олтидан айблов ва ҳимоя тарафининг бу даражада тенг бўлмаган имкониятлари шароитида, суд қонун талабларига мувофиқ жиноят иши материаллари (албатта, мутлақо айблов позициясида шакллантирилган) билан танишиш жараёнида тўла ҳолисликни сақлай олмайди. Шубҳасиз, бу суднинг ёки прокурорнинг ёхуд ҳимоячининг ўз вазифасини нотўғри бажараётганлигини эмас, балки жиноят-процессуал функциялар тақсимланган ана шу субъектларнинг ваколат ва имкониятлари даражасининг номутаносиблигини англатади.

Бу вазиятнинг мақбул ечими жиноят ишини судга тайинлаш босқичини тарафларнинг фаол иштироки ва тортишув принципини реал таъ-



минловчи дастлабки эшитув шаклида ташкил этишдир. Дастлабки эшитувни ўтказиш асослари жиноят иши судга юборилганидан сўнг тарафларнинг ҳар бири судга бевосита мурожаат қилиши ва ўзи учун муҳим бўлган масалалар бўйича исталган саволларни бериши мумкинлиги ҳақидаги фундаментал қоидага асосланади. Ҳозирда бу ҳуқуқ фақатгина суд муҳокамаси босқичида тарафлар илтимосномалар киритиш, суд мунозараларида иштирок этиш, кўрилаётган масала бўйича ўз фикрини билдириш орқали амалга оширилмоқда. Қачонки бу имкониятларнинг барчаси суд муҳокамасида эмас, ишнинг дастлабки эшитувида таъминланиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, дастлабки эшитувда номақбул далилларни далил базасидан чиқаришнинг асосий ташаббускори айнан ҳимоячи (демакки, айбланувчи ҳам) бўлади, албатта. Бу эса суд жараёнини фаоллаштиради, жонлантиради, айблов тарафини зийрак тортишга, процессга пухта тайёргарлик кўришга мажбур этади, яъни, суднинг мазкур босқичини “юзакли формализм”дан “процессуал реализм” сари олиб чиқади.

МАСЪУЛЛАРГА

(СУРИШТИРУВЧИ, ТЕРГОВЧИ, ПРОКУРОР) КЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Одатда, судга қадар иш юритиш босқичида тергов органлари томонидан икки турдаги камчиликларга йўл қўйилади. Бу дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги ва жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши. Биринчига мисол, жиноят ҳолатларининг тўлиқ ўрганилмаганлиги ёки айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахснинг айнан айбини тасдиқловчи далиллар етарли эмаслиги бўлса, иккинчисида далиллар етарлича бўлса-да, уларни тўплаш жараёнида процессуал талабларнинг жиддий равишда бузилиши (масалан, исботлашда тақиқланган усулларни қўллаш, тунги вақтда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва ҳ.к.) кузатилади.

Ҳозирда дастлабки тергов босқичида объектив ва субъектив омиллар таъсирида (тергов

аппаратида тажрибали кадрлар “танқислиги” ҳамда тергов мактабининг деярли “йўқотилгани”, иш ҳажмининг ниҳоятда катталиги, терговчилар онгида ҳали-ҳануз “хато бўлса, суд ўзи тўғрилаб олади” каби эскича фикрлаш, инсон тақдири билан боғлиқ масалада сифат эмас, соннинг ортидан “қувиш” каби ёндашувларнинг мавжудлиги, ҳаддан ташқари вазифалар юки остида тергов устидан прокурор назоратининг самараси пастлиги) терговнинг сифат ва савияси тобора тушиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бундай салбий амалиётга чек қўйишнинг самарали йўллари билан бири ҳам айнан дастлабки эшитувдир. Жиноят ишларини сифат нуқтаи назаридан тарафлар иштирокида “ғалвирдан ўтказилиши”нинг бирламчи майдони ҳам, химоя тарафининг суднинг эътиборини тергов хатоларига қаратиши асосида айблов базасини номақбул далиллардан “тозалаш” ҳам айнан дастлабки эшитувда бўлиб ўтади. Натижада суд муҳокамасига фақат судда кўрилишга тайёр бўлган сифатли ишлар ўтади. Бундай филтёр нима беради? Жиноят ишининг тергови савиясиз бўлганлиги сабабли унинг асосий суд муҳокамасига етиб бормаслиги хавфини англаган дастлабки тергов органи тергов сифатини таъминлашдан “манфаатдор” бўлиб, исботлаш жараёнида номақбул усуллар қўллашдан тийилади, терговда жиноят ишининг тугатилиши ва тўхтатилиши эҳтимолларини янада пухтароқ аниқлайди, химоянинг вазифалари ва эътирозлари билан ҳисоблашишга ўрганади. Прокурор эса ўз навбатида, одатда амалиётда бўлганидек ўзи судда давлат айбловчиси сифатида иштирок этмайдиган жиноят ишини номинал тасдиқлаб судга юборишга эмас, балки дастлабки эшитувда мазкур жиноят ишини шахсан ўзи “химоя” қилишга масъуллиги нуқтаи назаридан айблов хулосаси (айблов далолатномаси) билан келган жиноят иши материалларини ҳар томонлама ва синчковлик билан текширишга мажбур бўлади.

СУД (СУДЬЯ) УЧУН АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

Дастлабки эшитув шаклидаги суд муҳокамасининг жорий этилиши судья учун ва умуман олганда, суд процесси учун қандай афзалликлар яратади? Биринчидан, ўз юритувига келган жиноят ишини судда ҳар томонлама ва холисона кўрилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш масъулияти судьянинг зиммасида бўлса-да, лекин уни амалга ошириш учун реал ваколати йўқлиги сабабли жиноят ишининг нуқсонларини кўра била туриб, суд муҳокамасига “ўтказиш” мажбуриятидан озод бўлади. Иккинчидан, жиноят ишининг келгуси “истикбол”га боғлиқ масалаларни тарафларнинг фаол иштирокида ўрганишнинг афзаллиги шундаки, бу тортишув муҳитини яратиб, судьянинг ишини енгиллаштиради. Марказий суд муҳокамаси бошланмасдан жиноят ишининг сифати масаласидаги “тарафлар рақобатида” судья исботлашнинг фаол позициясидан кузатувчи “бетараф арбитр” позициясига ўта бошлайди. Учунчидан, бугунги кунда суд амалиётида прокурорнинг суд процессига тайёргарлиги даражаси пастлиги ҳоллари ошиб бормоқдаки, бунинг натижасида суд жараёнида давлат айбловчиси функциясининг айрим элементлари (масалан, иш материалларини пухта ўрганмаган прокурор суд терговидан сўроқ қилинаётган процесс иштирокчиларига саволлар бера олмаслиги оқибатида бу саволлар судьянинг ўзи томонидан берилиши) судья томонидан амалга оширилиши кузатилмоқда. Бу эса мутлақо номақбул ёндашув бўлиб, суд процессида тарафлар ўртасида процессуал функциялар аралашуви, энг ачинарлиси, процесс иштирокчилари тасавурида “судья айблов тарафида экан” деган тушунчанинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Айнан дастлабки эшитув жараёнида эндиликда прокурор жиноят иши материалларининг ҳақиқий “эгаси” сифатида фаоллашиб, судьяни унинг холислигини шубҳа остига оладиган ҳар қандай вазиятлардан халос этади ва айнан дастлабки эшитув жараёнида судья дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назорати функциясини реал амалга оширишни бошлайди.

ДАСТЛАБКИ СУД ЭШИТУВИ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Хорижий давлатлар тажрибасига таяниб, дастлабки эшитувнинг қуйидаги алгоритмига амал қилиш мақсадга мувофиқ. Агар судья жиноят ишини ўрганиб, ҳолатлар етарли даражада аниқланмаган деб топса ёки ишнинг кейинги ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай асослар мавжуд деб ҳисобласа, судга иш келиб тушган вақтдан ўн суткадан кўп бўлмаган муддатда ишнинг дастлабки эшитувини тайинлаши мумкин. Дастлабки эшитув судья томонидан тарафлар-



нинг иштирокида ёпиқ суд мажлисида ўтказилади. Дастлабки эшитувни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчининг иш ёки ўқиш жойи маъмурияти ва яшаш жойи бўйича ўзини ўзи бошқариш органи томонидан хабардор этилади. Суд муҳокамасида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва давлат айбловчиси иштирок этиши шарт. Судланувчи иштирокисиз дастлабки эшитув судланувчининг илтимосномаси мавжудлиги ҳолатидагина ўтказилади. Ҳимоячи узрсиз сабабларга кўра келмаганида, агар унинг дастлабки эшитувда иштирок этиш имконияти бўлмаса, судья янгидан тайинланган ҳимоячининг суд муҳокамасида иштирокини таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўради.

Дастлабки эшитувда тарафларнинг илтимосномалари кўриб чиқилиши мумкин. Агар тараф томонидан далилни чиқариш тўғрисидаги илтимоснома берилса, судья иккинчи тарафда мазкур илтимосномага нисбатан эътирозлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлайди ва илтимосномани қаноатлантиради. Тарафнинг қўшимча далилларни ёки предметларни талаб қилиш тўғрисидаги илтимосномаси мазкур далил ва предметлар жиноят иши учун аҳамиятли бўлса, қаноатлантирилади. Тарафларнинг илтимосномасига кўра гувоҳ сифатида тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки ҳужжатларни жиноят ишига қўйиш ҳолатлари ҳақида бирон-бир маълумотга эга бўлган шахслар сўроқ қилиниши мумкин. Дастлабки эшитув вақтида ЖПКда назарда тутилган қоидаларга мувофиқ баённома тузилади.

Тарафларнинг жиноят иши материалларидан у ёки бу далилни чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома билдириш ҳуқуқи айнан дастлабки эшитувнинг алоҳида эътиборидаги масаладир. Мазкур асос исботлаш ҳуқуқи доирасида вужудга келади. Далилларни номақбул деб топиш бўйича алоҳида масаланинг асосий суд мажлисидан аввал ҳал этилиши судда кўриладиган жиноят ишининг сифатини, далиллар базасининг процессуал жиҳатдан “пухталиги”ни таъминлайди. Бу қай тарзда таъминланади? Дастлабки эшитув вақтида тарафлар суд муҳокамасига тақдим этилган далиллар қаторидан исталган далилни чиқариш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўладилар (илтимосноманинг нусхаси бошқа тарафга илтимоснома судга тақдим этилган кунда берилади). Далилни чиқариш тўғрисидаги илтимосномада илтимоснома киритган тарафнинг далилни чиқариш зарурати ҳақидаги фикри асослантирилиши, ЖПКда назарда тутилган далилни чиқариш асослари ёки илтимосномада асослантирилган ҳолатлар акс эттирилиши лозим. Судья гувоҳни сўроқ қилиши



ва илтимосномада кўрсатилган ҳужжатни жиноят ишига қўшиб қўйиши, агар тарафларнинг бири далилларни чиқариб ташлашга қарши бўлса, судья жиноят ишида мавжуд бўлган ёки тарафлар томонидан тақдим этилган тергов баённомалари ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиши мумкин. Далил ЖПК қоидалари бузилган ҳолда олинганлиги оқибатида ҳимоя тарафи томонидан далилни чиқариш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилишида, ҳимоя тарафи тақдим этган важларни рад этиш давлат айбловчисига юклатилади. Бошқа ҳолатларда исботлаш мажбурияти илтимоснома киритган тарафга юклатилади. Агар суд далилни номақбул деб топиб, уни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур далил юридик кучини йўқотади ва ҳукм ёки бошқа суд қарори асосига қўйилиши мумкин эмас.

Хорижий тажриба шундан далолат бераптики, дастлабки эшитув институтини миллий жиноят ишлари юритувига татбиқ этиш ҳозирда суд юритувида мавжуд бўлган жиддий муаммоларни ҳал этишнинг мақбул ечими ҳисобланади. Мазкур институтнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилиши судда тарафлар тортишуви принципини янада кенгайтиришга хизмат қилиб, ишни мазмунан кўрилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Зеро, айнан ана шу босқичда тегишлича илтимоснома киритилиши асосида далилларнинг номақбуллиги ҳал этилиб, айблов тарафига иш юзасидан тўпланган далиллар мажмуасини тадқиқ этиш масъулияти юкланади.

Дастлабки эшитув жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичининг самарали механизм асосида амалга оширилишига, мазкур босқичда процесс иштирокчиларининг фаол иштироки орқали тортишув принципини реал таъминланишига, суднинг процессуал ваколатларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга, натижада эса суд, дастлабки тергов органлари ҳамда фуқароларнинг вақти ва саъй-ҳаракатларининг тежаллиши, жиноят ишлари юритувига жалб этилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тез фурсатда тикланишини таъминлашга хизмат қилади.



Дилшод АРИПОВ,
юридик фанлар
номзоди

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРНИНГ РОЛИ

Бугунги кунда халқаро ва хорижий ташкилотлар, томонидан суд органлари мустақиллигининг таъминланганлиги ҳолатига қараб муайян давлатда қонун устуворлиги аҳволи, унинг иқтисодий салоҳияти, унга инвестиция киритиш ва тадбиркорлик учун яратилган муҳит ҳақида хулоса берувчи турли рейтинглар юритилди. Жумладан, “The World Justice Project” халқаро ноҳукумат ташкилоти дунё бўйича ҳар йили махсус “Қонун устуворлиги” индексини юритса, “Бертельсман” халқаро фонди ва Жаҳон банки томонидан юритиладиган давлат бошқаруви сифати индексларида қонун устуворлиги фаровонликни таъминловчи кўрсаткичлардан бири сифатида қайд этилади.

Қуйида суд ҳокимияти мустақиллиги, одил судлов самарадорлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган халқаро рейтинглар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади.

“Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилотининг (ГФР) дунё мамлакатларида “Коррупцияни идрок этиш” индексиди порахўрлик, бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат хизматчилари ўртасида таниш-билишчилик, тор доирадаги моддий манфаатдор шахслар томонидан ҳокимиятнинг эгалланишига оид масалалар баҳоланади. Мазкур индекс 1996 йилдан буён барча учун очик бўлган статистик маълумотлар ва кенг қамровли сўров натижалари бўйича тузилади. Урганилаётган мамлакатлар давлат секторининг коррупциялашганлик даражаси бўйича 0 баллдан (коррупциянинг энг юқори кўрсаткичи) 100 баллгача (коррупциянинг энг паст кўрсаткичи) баҳоланади.

Индексда Ўзбекистон 2019 йилда жами 100 баллдан 25 балл билан 2018 йилга нисбатан ўз ўрнини 5 поғонага яхшилаб, жами баҳоланган 180 та мамлакатнинг ичиди 153-ўринни эгаллаган¹.

Индекснинг ахборот манбаларидан бири ҳисобланган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистонга коррупцияга қарши курашиш борасида қуйидаги тавсиялар берилган:

- коррупция ҳақида хабар берувчиларни рағбатлантириш ва уларни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш;
- ваколатли органлар томонидан тасдиқланган коррупцион жиноятлар рўйхатини “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонундаги таърифга мувофиқлаштириш;
- фуқаролик жамияти институти вакиллари коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш ва бажаришга фаол жалб қилиш;
- коррупцияда иштироки фош этилган мансабдор шахслар ҳақидаги маълумотни оммавий ахборот воситаларида тарқатиш ишларини янада жадаллаштириш ва бошқалар².

Ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

Сингапурда (85 балл билан 4-ўрин) мансабдор шахснинг эғалигида декларацияда кўрсатилмаган мулкнинг мавжудлиги унинг коррупцияда иштирок этганлигининг исботи сифатида баҳоланади. Нидерландияда (82 балл билан 8-ўрин) коррупцияга алоқадор бўлмаганлик ва коррупцияга қарши курашда фаол ёрдам кўрсатганлик учун мансабдор

Global Launch
2020 WJP Rule of Law Index
March 11, 2020



шахслар моддий рағбатлантирилади. Белоруссияда (45 балл билан 66-ўрин) коррупцияга оид жиноятлар рўйхати тузилиб, қонун даражасида тасдиқланган. Қозоғистонда (34 балл билан 113-ўрин) давлат томонидан коррупцияга қарши курашувчи фуқаролик жамияти институтларини ривожланишига кўмаклашилган, коррупцияга оид жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар рўйхати тасдиқланган.

Қонун устуворлиги индекси (The Rule of Law Index) 2010 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, дунё мамлакатларини уларда қонун устуворлигининг таъминланганлик кўрсаткичи рейтингини олиб боровчи глобал тадқиқот ҳисобланади. Ушбу индекс ҳар икки йилда бир марта Жаҳон одил судлов лойиҳаси (The World Justice Project) халқаро ноҳукумат ташкилотининг методикаси асосида аниқланади ва экспертлар ўртасида кенг қамровли сўров ўтказиш натижалари ҳамда статистик маълумотларга асосланади. Индекс 44 кўрсаткичдан иборат бўлиб, муайян давлатда ҳуқуқий муҳитнинг ривожланганлик даражаси ва қонунчилик амалиёти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш имконини яратади.

2020 йил ҳолатига Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” индексида 128 мамлакат ичида 92-ўринни, Қозоғистон 62-ўринни, Қирғизистон 87-ўринни эгаллаган, Тожикистон ва Туркменистон рейтингга кирмаган³.

Индекс 8 та назорат индикаторларидан ташкил топган: 1) ҳокимият институтлари ваколатларини чеклаш; 2) коррупциядан холилик; 3) тартибот ва хавфсизлик; 4) фундаментал ҳуқуқларнинг таъминланганлиги; 5) ҳокимият институтларининг шаффофлиги; 6) қонунларга риоя қилиш; 7) фуқаролик ишлари бўйича одил судлов; 8) жиноят ишлари бўйича одил судлов.

Давлатлар ҳар бир кўрсаткичда акс эттирилган тоифа бўйича 0 дан 1 баллгача баҳоланади. Жумладан, 2020 йил ҳолатига Ўзбекистон 3 та индикатор бўйича тўплаган баллари сезиларли даражада ошган, 1 таси бўйича пасайган, 4 таси бўйича ўзгаришсиз қолган. Хусусан:

- коррупциядан холилик индикатори бўйича 0,38 баллдан 0,40 баллга ошган;
- ҳокимият институтларининг шаффофлиги индикатори бўйича 0,31 баллдан 0,33 баллга ошган;
- фундаментал ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича 0,39 баллдан 0,41 баллга ошган;
- тартибот ва хавфсизлик индикатори бўйича кўрсаткич пасайган;
- ҳокимият институтлари ваколатларини чеклаш, қонунларга риоя қилиш, фуқаролик ва жиноят масалаларида одил судлов индикаторлари бўйича тўплаган баллар ўзгаришсиз қолган⁴.



Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси 2006 йилдан бери юритилиб, сиёсий жараёнлар устидан тадқиқотларни амалга оширишга ихтисослашган. Мазкур индекс Буюк Британиянинг “The Economist Intelligence Unit” тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида “Экономист” журналининг таҳлилий бўлинмаси томонидан юритилади. Рейтинг 60 та асосий кўрсаткичлардан иборат бўлган сайлов жараёни ва плюрализм, ҳукумат фаолияти, сиёсий иштирок, сиёсий маданият, фуқаролик эркинликлари тоифаларига бўлиниб, қисман экспертларнинг хулосалари ва жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига асосланади.

2017 йил тадқиқотлари натижасида Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг 11 та давлатлари ичида 158 балл билан 9-ўринни эгаллаган⁵.

Мерос жамғармаси (Heritage Foundation) халқаро ноҳукумат ташкилоти (АҚШ) ва “Wall Street Journal” томонидан “**Иқтисодий эркинлик**” индекси 1995 йилдан бери тузиб борилади. Жамғарма экспертлари “ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматларни тақсимлаш ва фойдаланишда ҳукумат аралашувининг мавжуд эмаслиги” асосида иқтисодий эркинликни аниқлайди. Иқтисодий индекс 10 та субиндекс (бизнес эркинлиги, савдо эркинлиги, солиқ эркинлиги, ҳукуматдан эркинлик, пул эркинлиги, инвестиция эркинлиги, молиявий эркинлик, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, коррупциядан эркинлик, меҳнат муносабатларидаги эркинлик) асосига қурилган бўлиб, 0 дан 100 баллгача кўрсаткичда баҳоланади, бунда 100 балл максимал эркинликни билдиради. Индекс муаллифларининг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий ривожини мазкур индекс динамикасига бевосита боғлиқдир.

Барча мамлакатлар ушбу рейтингга кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: эркин — 80-100 баллгача; асосан эркин — 70-79,9 баллгача; ўрта даражада эркин — 60-69,9 баллгача; асосан эркин бўлмаган — 50-59,9 баллгача; деспотик — 0-49,9 баллгача.

Статистика маълумотларга кўра, 2010, 2011 ва 2016 йилларда Ўзбекистон тегишлича 158-ўрин (47,5 балл), 163-ўрин (45,8 балл), 166-ўрин (46 балл)лар билан иқтисодий эркин бўлмаган давлатлар қаторига киритилган бўлса, 2019 йил якунлари

бўйича 140-ўринга (53,3 балл) кўтарилиб, асосан эркин бўлмаган давлатлар қаторига киритилган⁶.

Ўзбекистон Индекснинг 6 та компоненти бўйича ўз ўрнини мустақамлаган, 4 таси бўйича кўрсаткичлари пасайган. Хусусан, суд фаолияти мустақиллиги компоненти бўйича кўрсаткичлар сўнгги 3 йилда тобора пасайиб бориб, 129-ўринни эгаллаган. Бу кўрсаткич 2017 йилда 41,9 баллни, 2018 йилда 35,3 баллни, 2019 йилда 34,3 баллни ташкил қилган.

Мерос жамғармаси Ўзбекистонда суд ҳокимиятини “расман мустақил бўлса-да, ижро ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тобе”, — деб баҳолаб, мамлакатдаги суд ҳокимиятининг мустақиллик даражаси халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бермаслигини эътироф этган.

“Бизнес юритиш” индекси 2003 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, Жаҳон банки томонидан ҳар йили аниқлаб борилади. Бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, ушбу индекс фақат тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ қонунлар, қарорлар ва қоидаларни ўрганишга асосланган. Унинг таркибига киритилган ўнта субиндексдан фақат биттаси, яъни **“контрактлар ижросини таъминлаш” кўрсаткичи** суд фаолияти билан боғлиқ. Мазкур кўрсаткич биринчи инстанция судида тижорат низосини ҳал қилиш, суд амалиётини юритишга сарфланадиган вақт ва харажатларни аниқлаш орқали белгиланади. Ўз навбатида “контрактлар ижросини таъминлаш” кўрсаткичини аниқлаш учун учта комплекс кўрсаткич, яъни ишни кўриш муддати, давлат божи миқдори ва жараён сифати ўрганилади.

2018 йил май ойида тайёрланган “Бизнес юритиш” маърузасида Ўзбекистон 190 та мамлакат орасида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича 41-ўринни эгаллаган, бизнес юритиш қулайлиги кўрсаткичи эса 67, 263 баллни ташкил этган⁷.

Бу кўрсаткич 2019 йилда янада яхшиланиб, Ўзбекистон 41-ўриндан 22-ўринга кўтарилган, низоларни суд томонидан тезкор ҳал этишнинг вақт кўрсаткичи бўйича 190 та давлат ичида 225 кунлик натижа билан 3-ўриндан жой эгаллаган, низоларни суд йўли билан ҳал этишда кетадиган харажат кўрсаткичи бўйича эса МДҲ мамлакатлари орасида 4-ўриндан жой олган⁸.

Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро ҳамжамиятда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш, ҳудудларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш юзасидан якуний натижаларга эришиш учун ваколатли органлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республика-

сининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3852-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра “Бизнес юритиш” рейтингининг “Шартномалар бажарилишини таъминлаш” субиндекси бўйича масъул ваколатли орган этиб Ўзбекистон Республикаси Олий суди (кейинги ўринларда Олий суд деб юритилади) белгиланиб, қарор ижросини таъминлаш мақсадида судларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармонида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилмасида Халқаро рейтинглар билан ишлаш шўъбасини тузиш, вазирлик ва идораларда эса бунга масъул бўлган ихтисослашган таркибий бўлинмаларни ташкил этиш назарда тутилиб, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати тасдиқланди.

Фармонга кўра қуйидаги халқаро индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш Олий суд зиммасига юклатилди:

- “Иқтисодий эркинлик” индексида “Қонун устуворлиги” субиндексининг “Суд фаолияти самарадорлиги” ва “Давлатнинг яхлитлиги” индикаторлари;

- “Бизнес юритиш” индексида “Контрактлар ижросини таъминлаш” индикатори;

- “Қонун устуворлиги” индекси бўйича “Фуқаролик, жиноий ва норасмий одил судлов” индикаторлари;

- “Жаҳон мамлакатлари демократияси” индекси бўйича “Фуқаролар эркинлиги” индикатори.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш мақсадида 2019 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4160-сонли қарори қабул қилинди. Унда 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутувчи “Бизнес юритишни яхшилаш – 2022” мақсадли кўрсат-

кичлари бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унинг 46-47-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд томонидан қуйидагилар амалга оширилди:

- “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 23.05.2019 йилда ЎРҚ-541-сонли Қонун қабул қилинди;

- “Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти-ни умумлаштириш натижалари тўғрисида” 01.03.2019 йилда Олий суд Раёсатининг РС-13-19-сонли қарори қабул қилинди;

- Олий суд томонидан махсус квитанция лойиҳаси ва веб-хизмати ишлаб чиқилди;

- 14 март 2019 йилда Олий суднинг биллинг тизими Марказий банкнинг клиринг тизими-га уланиб, тўловларнинг электрон тизими ишга туширилди ва натижада давлат божи ва йиғимларини электрон тўлаш имкони яратилди <https://billing.sud.uz/receipt>.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, ислохотлар миқёси ва самарадорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли қарорида алоҳида таъкидланди. Ушбу қарорда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга доир “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унинг олтита бандида судлар фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилди.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, халқаро рейтинг ва индекслар давлатнинг иқтисодий ривожини таъминлаш билан бирга унинг барча соҳаларини, шу жумладан, суд ҳокимиятини ҳам янада такомиллаштиришни назарда тутди. Халқаро рейтинг талабларига риоя қилган давлатларда барча ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва алоҳидалиги қонун билан таъминланади, суд органларининг чинакам мустақиллигини янада кучайтириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эришилади.

Мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини янада ошириш, бу борада халқаро ва хорижий ташкилотлар билан маълумотлар алмашиш ҳамда узвий ҳамкорликни таъминлаш бўйича қуйидагилар тақлиф этилади:

биринчидан, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглари” номли ягона электрон



портални ташкил қилиш, унда барча рейтинг ва индекслар бўйича Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичлари, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда юқори кўрсаткичга эришган давлатларнинг тажрибаларини акс эттириб бориш лозим. Шунингдек, ушбу порталда халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан берилган тавсиялар бўйича ваколатли органлар билан бир қаторда фуқароларнинг ҳам фикрини ўрганиш тартибини жорий қилиш ва шу асосда тавсияларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш лозим;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминловчи судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика кенгаши таркибидан жой олиши жуда муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сонли Фармонида 1-илова билан тасдиқланган Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши таркибига Судьялар олий кенгаши раисини ҳам киритиш лозим;

учинчидан, мамлакатимизда миллий рейтингларни юритувчи ташкилотларни тузиш орқали халқаро ташкилотларнинг тадқиқотларига нисбатан муқобил тадқиқотларни ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://pv.uz/ru/news/transparency-international-uzbekistan-v-otchete-po-indeksu-vosprijatija-korrupsii-2019>
2. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf
3. <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP%20Insights%202020%20-%20Online%20.pdf>
4. <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/Uzbekistan%20-%202020%20WJP%20Rule%20of%20Law%20Index%20Press%20Release.pdf>
5. https://www.norma.uz/nashi_obzori/kak_uzbekistanu_podnyatsya_v_mejdunarodnyh_reytingah
6. https://ru.wikipedia.org/wiki/Индекс_экономической_свободы
7. https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/economicgovernance/Doing_Business_Enforcing_Contracts_ROL_2019/un_doc_uzb_DB_Enforcing_Contracts-Uzbekistan_uzb.pdf
8. <http://sud.uz/24-10-2019-555-55/>



**Қамбариддин
МЕҲМОНОВ,**
юримдик фанлар
бўйича фалсафа
доктори

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ФОРС-МАЖОРМИ?

Бугунги кунда бутун дунё мавзуси коронавирус пандемиясидир. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавирус инфекцияси (COVID-19) ни пандемия деб атади. Ушбу офат бутун дунёда бўлгани каби юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Табиийки, ушбу ҳолат бевосита мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш ва бекор бўлишига ўз таъсирини кўрсатади. Халқимиз осойишталиги, соғлиги ва хавфсизлигини ўйлаб давлат томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Унда фуқаролар, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, солиқ мажбуриятларини енгиллаштириш, қийин аҳволга тушиб қолган қатлам вакилларига муайян имкониятлар берилиши назарда тутилмоқда.

Коронавирус пандемияси шароитида мажбуриятлар бажарилмаслиги мумкинми? Жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи қандай ҳал этилади? Етказилган зарар учун жавобгарлик қўлланиладими каби саволларга дуч келамиз. Бу саволларга бирданига “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериб бўлмайди. Тарозининг ҳар икки палласига вазиятни кўйиш ва қонун нормасини унга татбиқ этиш, соҳа қонунчилигини яхши билган ва тушунган ҳолда жавоб бериш талаб этилади. Бу нафақат илмий-назарий ёки соҳага доир масала, балки амалий жиҳатдан ҳам содда, оддий тилда тушунтирилиши ва тўғри татбиқ этилиши зарур бўлган масалалардан биридир. Бу ўринда коронавирус пандемиясини енгиб бўлмас куч – форс-мажор; вазиятнинг жиддий ўзгариши; мажбуриятни бажаришнинг мумкин бўлмаслиги нуқтаи назаридан талқин этиш лозим.

ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ

Аввало, форс-мажор ҳолатига тўхталиб айтиш мумкинки, аксарият ҳолларда шартномада бу ҳақда кўрсатишга ҳаракат қилинади. Масалан, сув тошқини, иш ташлашлар, тартибсизлик ва ҳ.к. Бироқ, 2019 йил якунида ҳам бирор-бир давлатда тузилган шартномада коронавирус пандемияси форс-мажор сифатида кўрсатилмаган. Тўғрироғи, буни олдиндан кўришнинг ҳам иложи йўқ эди. Шу боисдан Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб юритилади) нинг 333-моддасида башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки

лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади¹. Демак, ҳодиса кутилмаганда рўй бериши, унинг олдиндан олдини олиш иложсизлиги туфайли рўй берса, бу форс-мажор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли қарори билан тасдиқланган Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда² форс-мажор тушунчаси берилган бўлиб, форс-мажор – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда ташқи савдо битимлари (шартномалар) ва халқаро шартномалар бўйича томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир. Бундай ҳолатларга қарздорнинг контрагентлари томонидан мажбуриятлар бузилиши, бозорда мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган товарларнинг йўқлиги ва бошқалар кирмайди.

Енгиб бўлмас куч фавқулодда рўй бериши, кутилмаган ва унинг олдини олиш

мумкин бўлмаган ҳодиса бўлиб, у кутилмаган вазиятда рўй беради. Коронавирус пандемияси шундай хусусиятга эга ва бу каби талабларга жавоб беради. ФКнинг 333-моддасида белгиланган енгиб бўлмас куч моҳиятан қандай қўлланилиши керак? Табиийки, бу ҳолатда инсонлар мажбуриятларни бажара олмайди ва натижада шартнома шартлари бузилади. Ҳар қандай шартнома бузилиши эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради ва унинг муайян оқибати юзага келади. Масалан, А тараф Б тараф билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тузади ва А тараф аванс тўловини ҳам олди. Коронавирус пандемияси туфайли А тараф хизматни кўрсатмади. Бунинг натижасида Б тараф зарар кўрди. Кўрилган зарарни А тараф қоплайди-ми? Йўқ, чунки, Б тарафнинг кўрган зарари А тарафга ёзилмайди. Муҳими, бу борада ҳар хил ёндашув бўлмаслиги муҳим. А тараф ўзига аванс сифатида тўланган тўловни иккинчи тарафга хизмат кўрсатилмаганлиги сабабли қайтариши, шартнома форс-мажор туфайли бекор қилиниши лозим. Бу ҳолатда А тараф мен коронавирус пандемияси рўй берганлиги сабабли тўланган пулингни ишлатиб юбордим деган ваҳми келтира олмайди. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, томонлар ўзаро манфаатли шартлар билан келишиб олишга ҳаракат қилишлари мумкин. Масалан, шартнома муддатини узайтириш, шартномани бекор қилиш ва ҳ.к.

ВАЗИЯТНИНГ ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШИ

Ушбу ҳолатда коронавирус пандемиясини вазиятнинг жиддий ўзгаришига сабаб сифатида олиш мумкин. Бу ҳам муайян даражада қизиқ. Агар вазият шартнома тузилгандан кейин ўзгарса, у ҳолда қонун тарафларга шартномани бекор қилиш ёки ўзгартиришга имкон беради. Шартнома тузишда тарафлар нима манфаат кўришини олдиндан кўра билади, бироқ фавқулодда юз берадиган вазиятни эмас. Шартномани тарафлар ўз манфаатидан келиб чиқиб тузади. Ўз манфаатини тахмин қилган ҳолда шартнома шартларини белгилайди. Бунда манфаатни олдиндан оқилона кўра олиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак. Вазиятни олдиндан кўра олмаслик оқибати ФКда назарда тутилган. ФКнинг 383-моддасига асосан, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Вазият-



нинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Коронавирус пандемиясини вазиятнинг ўзгариши сифатида кўриш мумкин. Тарафлар унинг олдини олишга қодир эмас. Бу эса форс-мажор сифатида ФКда белгиланган мезонлар асосида вазиятнинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, шартнома тарафлари 2019 йилнинг декабрь ойида коронавирус пандемияси туфайли форс-мажор бўлишини кўра олиши мумкин эмас эди. Энди эса бу вазият кундек равшан бўлиб, вазиятга, тарафларнинг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Фараз қилайлик, пандемиягача бўлган вақтда МЧЖ ва савдо комплекси ўртасида ижара шартномаси тузилган эди. Бундай ҳолларда шартнома жиддий ўзгариши муносабати билан тарафлар шартномани ўзгартиради ёки бекор қиладди. (Бунда пандемия салбий таъсир қиладиган соҳа бўлиши керак). Ушбу мисолда МЧЖ фақат аптека фаолияти билан банд бўлмаслиги керак (чунки, бу соҳада савдо қилиш шартлари, вазият жиддий ўзгаргани йўқ). Шу билан бирга коронавирус пандемияси турли ҳуқуқий оқибатга олиб келишини ҳам қайд этиш лозим. Унинг фавқулодда рўй бериши, юз беришини олдиндан кўра олинмаганлиги ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳодисалиги, албатта тарафларнинг мулкий аҳволига таъсир қилиши керак. Бу ўз навбатида, жавобгарликдан озод қилиш ҳамда шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга сабаб бўлиши мумкин. Яъни, вазиятнинг радикал ўзгариши сифатида кўриш лозим.

МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИГИ

Халқаро миқёсдаги эпидемиологик вазият ва Ўзбекистонда коронавирუსнинг тарқалиши туфайли ҳукумат шартномалар бажарилмаган тақдирда бизнес учун

«форс-мажор» режимини жорий этмоқда. Таълим тизимида онлайн дарс машғулотлари ўтказиш, меҳнат муносабатларида масофадан туриб ишлаш каби тушунчалар кириб келди. ФКнинг 349-моддасига кўра, агар тарафлардан биронтаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади. Бундан ташқари, ФКнинг 350-моддасига кўра, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ФКнинг 12 ва 15-моддаларига мувофиқ уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар. Давлат органининг мажбурият бекор бўлишига асос бўлган ҳужжати белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилганида, агар тарафларнинг келишувидан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва мажбуриятни бажариш кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса, мажбурият тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 трлн. сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилган. Жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 оyi мобайнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 трлн. сўмни ташкил этмоқда³. Бироқ, «кечиктириш» ва «умуман тўламаслик» бутунлай бошқа-бошқа тушунчалар ва қарздор тараф форс-мажор туфайли кредит тўламайман

дея олмайди. Кредит қарзи ва фоизлар барибир банкка тўланади. Шартнома бўйича қарздорнинг қарзи коронавирус пандемияси туфайли бекор бўлмайди. Шу билан бирга банк бой берилган фойдани ундиришдан манфаатдор бўлиши мумкин. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сонли Фармонида⁴ кўра, Марказий банк зиммасига амалга киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлламаслик чораларини кўриш белгиланган. Мазкур вазиятда банкнинг зарар сифатида бой берилган фойдани ундириш талаби қўшимча мулккий жавобгарлик ҳисобланади, шартнома мажбуриятини, яъни қарзни ва фоизни бажаришдан ташқари бўлган қўшимча харажатларни – пеня тўлашни қарздорга юклаб бўлмайди.

Бу ўринда кредит учун фоизлар ва неустойка сифатида ундириладиган жарима ва пеняни фарқлаш керак. Банк ўзининг асосий фаолияти сифатида кредит ва унга тўланадиган фоизларга бевосита боғлиқ. Айнан коронавирус пандемияси туфайли қарздор кредит фоизларини тўлашдан озод қилинмайди. Қарзни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш эса тарафлар келишуви ёки қонун ҳужжатида белгиланган нормага боғлиқ. Масалан, коронавирус пандемияси туфайли умумий овқатланиш жойлари, ресторан, кафелар фаолияти тақиқланган (албатта, кўпчилик йиғилмаслиги ва касалликни юқтирмаслик нуқтаи назаридан). Бу ўринда савол туғилиши мумкин, кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан аванс пули тўланган бўлсачи? Бунда барибир мажбуриятни бажариб бўлмайди. Мажбурият ҳуқуқида кредитор ва қарздор ўртасида ҳуқуқий алоқа мавжуд бўлади. Сотувчи товарни бериши, харидор пулини тўлаши керак. Ресторан хизмат кўрсатиши керак эди. Ҳақ олдиндан бир ой олдин тўлаб қўйилган. Қарздор вазият туфайли хизмат кўрсата олмаса, пули тўлангани сабабли мажбуриятни бажариш кейинги даврга сурилади.

Бу вазиятда мажбурият ҳуқуқининг оқибатларига доир нормаларга мурожаат қилинади. Тарафлар ўртасида ўзаро боғлиқ ижролар мавжуд. Бир тараф аванс тўлаган, муқобил мажбурият эса вазият туфайли – пандемия сабабли бажарилиши мумкин

*Жоҳилликдан жон чиқар,
Қобилликдан донг чиқар.*

* * *

*Кўп демак билан бўлмагин нодон,
Кўп емак билан бўлмагин ҳайвон.*

* * *

*Аҳмоқ бошдан ақл чиқмас,
Ақл чиқса ҳам маъқул чиқмас.*

Ўзбек мақоли.

эмас. Бунда иккинчи тараф мажбуриятдан бош тортишга ҳақли. Натижада шартнома бекор қилинишига олиб келади. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги нормани амалиётга татбиқ этиш табиатан бирмунча қийин. Ушбу вазиятда пули тўланганлик факти мавжуд, шартнома бекор бўлган ва натижада пулни олган тараф асоссиз бойлик орттирувчи мақомига тушиб қолади. ФКнинг 1023-моддасида асоссиз бойлик орттиришнинг оқибатлари белгиланган бўлиб, унга кўра қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз (шартнома асос эди, лекин бекор қилинди) бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт. Асосийси, ушбу қоида асоссиз бойлик орттириш қўлга киритувчининг, жабрланувчининг ўзининг, учинчи шахсларнинг хулқ-атвори натижаси бўлганлигидан ёки уларнинг иродасидан ташқари содир бўлганлигидан қатъи назар қўлланилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, шартнома шартлари коронавирус пандемияси сабабли бажарилмаса, у ҳолда қарздордан неустойка, зарар (реал ва бой берилган фойда) ундириш мумкин бўлмайди ва қарздор тараф жавобгарликка тортилмайди. Реал вазиятга тўғри ҳуқуқий баҳо бермасдан, турли-туман баҳоналар билан ҳуқуқни суиистеъмол қилиш эса тегишли ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ

Ҳозирги вазиятда ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда шартнома тузишга, айниқса, эҳтиёж катта. Amazon, eBay, Google, Telegram, Instagram ва Facebook каби интернет дўкон ва дастурлар орқали ҳам шартномавий муносабатга киришилмоқда. Уйда ўтирган ҳолда смартфон, мобил курилма ёрдамида буюртма берилади ва етказилган товар учун муайян ҳақ тўланади. Албатта, бу ўринда шартнома тузишга таклиф-оферта ва шартномани тузишга розилик-акцепт ўзига хос тарзда намоён бўлади. Электрон шартнома шартларини белгилаш, фирромликка йўл қўймаслик (навбатсиз товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш), ортиқча нархни белгилашга йўл қўйиб бўлмайди.

Интернет тармоғи орқали шартнома тузиш мумкин. Тўловни ҳам ушбу йўл билан амалга ошириш имконияти мавжуд. Бироқ, товар ҳар доим ҳам онлайн етказиб бе-



рилмайди. Айниқса, озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж товарлари ва бошқалар. Электрон шартномаларда ўзгартириш ва бекор қилиш имконияти ҳам мавжуд. Бундан келиб чиқадики, ҳар қандай шартнома ҳам электрон тарзда тузилмайди (масалан, кўчмас мулк). Қайд этиш лозимки, форс-мажор юз берганлиги, унинг мажбуриятни бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги боғлиқлигига суд томонидан баҳо берилади. Бу борада келгусида судларда иш ҳажми кўпайиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Шу билан бирга ҳар қандай форс-мажор ҳодисаси енгиб бўлмас куч сифатида мажбуриятни бажарилмаслигига таъсир қилмаслиги мумкин. Масалан, карантин даврида тез тайёрланадиган овқатга буюртма берилди. Бунда буюртмани қабул қилган тадбиркор карантин туфайли мажбуриятни бажармаслиги мумкин эмас. Албатта, бу ўринда сабаби боғланиш ҳам эътиборга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат. 2017. 526 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли қарори билан тасдиқланган Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 56-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон



**Комил
СИНДАРОВ,**
юримдик фанлар
доктори

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ ВА БАҲОЛАШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича яхши ривожланган ва самарали йўлга қўйилган тизимга боғлиқ. Зотан, иқтисодиётдаги ижобий натижалар ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтироларнинг жорий этилиши эвазига ошади. Шу боис ҳам, бугунги кунда интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмига айланган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини тижоратлаштириш ва баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Қарорда илмий ишлар ва тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида илмий ва

илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш борасида тизимли муаммолар мавжудлиги таъкидланиб, бу каби муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Илмий ва илмий-техник фаолиятнинг истиқболли ютуқларини жорий қилишнинг самарали механизмларини татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси тўғрисида” Низом тасдиқланди.


Ушбу Низом билан Президент жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини баҳолаш, танлаб олиш ва тижоратлаштириш тартиби белгиланди.

Шунга қарамасдан кейинги уч йилда илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини тижоратлаштириш ва баҳолаш масаласида республика судларида бирорта низо кўрилмаган.

Бу эса мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ҳали етарли даражада ўз самарасини кўрсатмаётганлигини, илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини баҳолаш билан шуғулланувчи ва уни тижоратлаштиришни йўлга қўювчи аниқ бир механизмлар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Илмий тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштириш бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни бўлиб, бунда тадқиқотлар ва ишланмалар натижалари тижорат мақсадларида товарлар ва хизматлар бозорларида тақлиф қилинади.





Илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини баҳолаш, уни тижоратлаштириш бугунги кунда дунё ҳамжамиятида жуда муҳим ўрин тутаяди ҳамда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хўш, бу борада хорижий мамлакатларда аҳвол қандай? Таҳлиллар ривожланган давлатларда илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини баҳолаш ва тижоратлаштиришда ўзига хос механизмлар яратилганлигини кўрсатмоқда. Бу соҳада ривожланган мамлакатлар қаторига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Австралия давлатлари киради. Ривожланган мамлакатлар қаторига эса Ҳиндистон, Хитой, Сингапур, Саудия Арабистони каби давлатларни киритиш мумкин. Мазкур мамлакатларда илмий тадқиқот фаолияти натижаларини баҳолаш ва тижоратлаштириш бўйича алоҳида илмий университетлар (институтлар, марказлар) фаолият юритади.

АҚШда илмий тадқиқот фаолияти натижаларини баҳолаш ва тижоратлаштириш бўйича илмий университетлар (институтлар) қошида соҳаларга қараб марказлар ташкил этилган. Жумладан, Массачусетс технология институтида камида 400 та марказ ва лабораториялар мавжуд бўлиб, бир қанча илмий йўналишлар бор. Уларда илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирилган тузилмалар яратилган. Худди шундай, Стенфорд университетиде ҳам камида 100 та марказ ва лабораториялар мавжуд бўлиб, уларда илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирилган махсус бўлинмалар мавжуд.

Буюк Британия тажрибасида илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолаш Ноттингем университети ва бошқа бир қанча университетлар томонидан амалга оширилади. Уларда ҳам тижоратлаштириладиган илмий тадқиқот фаолияти натижаларининг ўзига хос йўналишлари мавжуд. Қайсидир университет тадбиркорлик соҳасидаги илмий тадқиқот фаолияти натижаларини баҳолаш ва тижоратлаштириш билан шуғулланса, бошқа бири инно-

вацион менежмент соҳасида ўқув дастурларини амалга оширади.

Германияда Мюнхен техник университети қошида “Тадбиркорлик маркази”, “Билимлар алмашиш маркази”, “Тадқиқотларни молиялаштириш ва технологиялар алмашинувини кўллаб-қувватлаш маркази”, “Патент ва лицензиялаш бюроси” ва бошқалар ташкил этилган. Университет қошидаги ушбу тузилмалар илмий тадқиқот фаолияти натижаларини баҳолаш ва тижоратлаштиришга йўналтирилган¹.

Россия Федерациясида университетнинг (илмий ташкилотнинг) бюджет маблағлари ҳисобидан бажарилган илмий тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштириш учта механизм йўналишида амалга оширилади:

- ▶ шартнома йўналишида;
- ▶ институционал йўналишида;
- ▶ ахборот йўналишида.

Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган илмий ва ўқув муассасаларининг илмий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришнинг шартнома йўналишида юридик шахс ташкил этмасдан тузилган шартномалар асосида бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган илмий фаолият натижаларини ёки бошқа усулларни сотиш тизимини ташкил этиш бўйича фаолият олиб борилади.

Илмий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришнинг институционал йўналиши янги юридик ёки янги институционал тузилмаларни шакллантиришга асосланган, илмий фаолият натижаларини сотиш тизимини ва бошқа тижорат усулларини ташкил этиш бўйича фаолиятдир.

Илмий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришнинг ахборот йўналиши – илмий фаолият натижаларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш учун бозорни (потенциал буюртмачиларни) хабардор қилиш механизмини яратиш бўйича фаолият (тижоратлаштиришнинг шартномавий институционал соҳалари билан)².

Илмий тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштириш бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тижоратлаштиришнинг аниқ бир институционал механизми ишлаб чиқилган. Шунингдек, илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи малакали олим ва мутахассислар тайёрлаш институтлари ҳам яратилган. Ушбу мамлакатларда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади ва давлат бунга қанча харажат бўлса, шунча маблағ ажратишга тайёр.

Хорижий тажрибага таяниб, мамлакатимизда илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини тижоратлаштиришни янги босқичга олиб чиқиш, уларни баҳолашнинг самарали механизмларини яратиш, шунингдек, илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини халқаро майдонларда тижоратлаштириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириш жоиз.

- **Биринчидан**, илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқлари ишланмаларини яратувчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича аниқ кадрлар сиёсатини белгилаш лозим. Бунда, мутахассислар малакасини илмий тадқиқот натижалари ва фан ютуқлари ишланмаларини яратишда улкан марраларга эришган дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида ўқув амалиётларини ўташ тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, ушбу мамлакатлардан малакали мутахассисларни мамлакатимизга жалб қилиш амалиётини жорий этиш керак.

- **Иккинчидан**, илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини тижоратлаштириш ва баҳолашнинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг миллий механизмини яратиш зарур. Бунда, илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқла-

рини яратишдан бошлаб, то уни ички ёки ташқи бозорларга олиб чиқишни, уларни баҳолаш ва тижоратлаштиришнинг аниқ бир механизмини йўлга қўйиш, шунингдек, уни амалиётга татбиқ этиш мезонлари аниқ белгиланиши лозим.

- **Учинчидан**, илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини тижоратлаштириш ва баҳолаш бўйича давлатимизнинг аниқ бир йўналишидаги яқин истиқболга мўлжалланган стратегиясини қабул қилиш зарур.

- **Тўртинчидан**, мамлакатимизда илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш жараёнидаги асосий босқичларни белгилаш лозим.

Биринчи босқичда энг фойдали илмий ва техник ишланмалар тижорат нуқтаи назаридан танланади. Маҳсулотни танлашда потенциал бозор таҳлили ўтказилади (бозор сегментини аниқлаш, сотишнинг мумкин бўлган улуши, потенциал харидордан маҳсулотга талаб ва бошқалар). Илмий ва техник маҳсулотларни бозорга муваффақиятли жалб қилиш учун ташкилот келажакда юзага келиши мумкин бўлган барча муаммоларни олдиндан айтиб бериши керак. Бунинг учун аниқ бир таҳлил методологиясини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Тижоратлаштиришнинг иккинчи босқичида зарур молиявий ресурслар шакллантирилади, шунингдек, жараённинг барча иштирокчилари ўртасида ҳуқуқларни мустақамлаш ва тақсимлаш амалга оширилади.

Тижоратлаштиришнинг учинчи босқичи ишлаб чиқариш жараёнига инновацион ривожланишни киритишни ўз ичига олади.

Тижоратлаштиришнинг тўртинчи босқичида илмий тадқиқот фаолияти натижасидан ҳосил бўлган маҳсулотни сотиш мумкин бўлган потенциал миқдор аниқланади.

Маълумки, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича келиб чиқадиган низолар фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Шу муносабат билан судьялик лавозимига номзодлар ҳамда судьяларни интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш, уларнинг бу борадаги билимларини такомиллаштириш, хорижий давлатлар тажрибаси билан яқиндан таништириш мақсадида Судьялар олий мактабида интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича махсус ўқув машғулларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://docplayer.ru>
2. <http://docplayer.ru>



Мирали МИРРАХИМОВ,
Жинойат ишлари бўйича Тошкент туман суди раиси



Отабек МУХАММАДИЕВ,
Жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди судьяси

ВАЗИФАЛАРИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БАЖАРЯПМИЗ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш вазифаси белгиланган эди. 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони суд органларининг амалдаги тузлишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни таъминлайди.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур ислохотлар туб замири, аввало мамлакатда одил судлов самарадорлигига эришишга қаратилган бўлса, иккинчидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш асосида коррупция, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, фуқаровий ва иқтисодий даъволарнинг асоссиз такрорланишининг олдини олишга, аҳолининг носоғлом турмуш тарзидан воз кечишига ҳам қаратилган.

Хўш, бошқа соҳалар қаторида биз – жиноят ишлари бўйича судлар судьялари бу борада қандай ишларни амалга оширмаймиз? Қонунларда белгиланган ваколат ва вазифаларимизни лозим даражада бажаряпмизми? Биз томондан кўрилаётган ишлар ва уларда такрорий ижтимоий муаммоли масалалар ва уларнинг қонуний ечими билан кенг жамоатчиликни етарли даражада хабардор этиб, жиноят сабаб ва омиллари бартараф этиш орқали ислохотларга муносиб бўла оляпмизми?

Юқоридаги жиддий масалаларга жавобан, айтишимиз мумкинки, кўпинча, коррупцияга қарши курашиш ёки жиноятчиликни камайтириш мақсадида тадбирлар, мажлислар ўтказамиз, режалар тузамиз. Бироқ, жиноятлар ўз-ўзидан ёки маъмурий воситалардан фойдаланган ҳолда камаймайди, чунки уни камайтириш учун ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан ва виждонан бажариб боришимиз лозимлигини теранроқ англашимиз талаб этилади.

Ҳеч бир жиноят қутилмаганда ёки тўсатдан содир этилмайди. Балки қайсидир шахснинг қасди ёки эҳтиётсизлиги оқибатида бошқа шахсга, давлатга зиён

етказилишига сабаб бўлади. Демак, биз жиноятчиликка қарши курашни рақамлардагина эмас, балки ҳар бир шахс онгида вужудга келтирсак, фуқароларга соғлом турмуш тарзи ва қонуний ҳаёт кечиришнинг афзалликларини кўрсатсак, уларнинг келгусида жиноят содир этиш эҳтимолини камайтирсак, нафақат бир шахс, балки бутун жамият ва давлат ҳаётидаги ижобий бурилишга сабабчи бўлар эканмиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, судлар фаолияти давомида ҳар чорак ёки йил якунига кўра, кўрилган ишлар умумлаштирилиб, содир этилаётган жиноятларнинг сабаблари қисқача таҳлил этиб борилади, натижасига кўра, масъул ташкилотларга тақдимномалар киритилади. Аниқ ҳолатлар бўйича эса ишни кўриш давомида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида хусусий ажрим чиқарилади. Ўзаро ҳамкорлик натижасида судга мазкур шахслар ёки ташкилотлардан ижобий натижага эришилганлигига оид хатлар юборилади ва ўз-ўзидан кўринадики, бир шахснинг тақдиридаги ишга кириш, ахлоқан тузалиш, ўқишга кириш, оиласи бағрида қолиш орқали одил судлов самарадорлигига эришилади.

Бу ҳолатнинг ҳуқуқий асосланганлигига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси орқали ҳам тартибга солинган бўлиб, ЖПК 296-моддасида белгиланишича, жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт.

Мазкур кодекснинг 298-моддасига кўра жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқаро-



ларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиши белгиланган.

Суд амалиётини гиёҳвандлик воситаси билан ноқонуний муомала қилишга оид биргина иш мисолида таҳлил қилсак, иш ҳужжатларига кўра 21 ёшли Бахром Ниёзов (исм-фамилияси ўзгартирилган) нинг отаси вафот этгач, онаси, маҳалла ва бошқа мутасадди ташкилотлар унинг тарбиясида эътиборсизликка йўл қўйишди. Бу борадаги масъулиятсизлик изсиз кетмади. Яъни, Бахром 22 ёшга етгунча икки марта судланиб чиқишга улгурди ва икки сафар ҳам гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини содир этганлиги учун жавобгарликка тортилди. Б. Ниёзов дастлаб 19 ёшида гиёҳвандлик жиноятини содир этди. Бу қилмиши учун у жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2016 йилдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилди ва унга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Аммо у суднинг ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги амнистия тўғрисидаги Қарорига мувофиқ муддатидан илгари жазодан озод қилингандан сўнг ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган, ахлоқан тузалмаган, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини қасддан содир қилган. Яъни, Б. Ниёзов Кўксарой ҚФЙ Тўлабий жамоа хўжалиги М. Авезов маҳалласи ҳудудидаги дала майдони четдаги зовур бўйида таркибидан гиёҳвандлик моддаси бўлган марихуана ўсимлигини истеъмол қилиш мақсадида ўзида бўлган 1 дон оқ рангли полимер қопга марихуана ўсимлигининг 12 тупини солиб, уйига қайтаётганида чегара пости аскарлари томонидан ушланиб, гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд, жиноят иши бўйича Б. Ниёзовга нисбатан ҳукм чиқариш билан бирга мазкур жиноятни содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши бўйича тегишли кўрсатмалар бериб ўтишни ҳам лозим топди. Яъни шу ҳудуддаги таълим, ишсизлик, бандлик, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ

қонунчилик талабларини бажаришда, фуқароларнинг қонунга итоат руҳида тарбияланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилиниши ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда ўзининг дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, унда фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ амалий ишлар лозим даражада олиб борилмаган деб топилди.

Суд мажлисида Б. Ниёзовнинг ўз айбига тўлиқ икромлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бундан ташқари жиноят содир этилишига олиб келган баъзи шарт-шароитлар ҳам аниқланиб, суд куйидаги ҳолатни жиноят содир этилишига олиб келган деб ҳисоблади, яъни Б. Ниёзовнинг:

- таълим олиш ва касб-хунар мутахассислигига эга бўлишга қизиқмаганлиги, отаси вафот этгач моддий қийинчилик сабабли онасининг ўқитма олмаганлиги, 21 ёшга тўлган бўлса-да, бир неча йиллардан буён МФЙдаги яширин жойларда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб келганлиги;

- онаси билан ёлғиз яшаганлиги, кўпинча ёлғиз қолганлиги;

- доимий ижтимоий фойдали машғулот билан шуғулланмаганлиги (ўқишга қатнамаганлиги, доимий ишга эга бўлмаганлиги);

- яшаш жойи атрофида кундалик эҳтиёжига етарли даромадли иш топа олмаганлиги, мавжуд иш ўринлари билан тўлиқ танишмаганлиги ёки таништирилмаганлиги, фақат шу ҳудуддаги бир марталик устачилик ишлари, хизматлари ва томорқадаги деҳқончилик билан шуғулланганлиги;

- мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туб замиридаги мақсаддан, ҳар бир соҳада инсон манфаатлари ҳимоя қилинаётганлигидан етарлича хабардор бўлмаган ҳолда, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш ва давлат ташкилотлари томонидан яратиб берилган имкониятларга эътиборсизлик қилиб, кундалик соғлом турмуш тарзини олиб бормаганлиги;

- қонун талабларини ўрганмасдан, уларга риоя қилмасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини қасддан содир қилганлиги аниқланди.

Суд, ушбу жиноятнинг келиб чиқиши ва содир бўлишига, юқоридаги шарт-шароитларнинг вужудга келишига баъзи ташкилотлар томонидан ҳолатларга етарлича эътибор қаратилмаганлиги асосий сабаб бўлган ва ушбу сабабларнинг келгусида ўз вақтида бартараф этилмаслиги бошқа шахслар томонидан ҳам шу турдаги жиноятларнинг содир этилишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблади ва Б. Ниёзов яшаб келаётган туман бандликка кўмаклашиш маркази, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, профилактика инспектори фаолиятларини янада кучайтириш, чора-тадбирларни кенг жамоатчилик фикрини ҳисобга

олган ҳолда тузиш ва бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилди:

- ҳудудда яшовчи фуқароларга жиноятчиликка қарши кураш, қонунларга риоя қилиш, жумладан, деҳқончилик ва томорқа хўжалиги билан шуғулланганда етиштирилаётган экинлар таркибида қонунга зид экинлар етиштирмаслик лозимлиги, бундай ҳолат аниқланса, ИИБга мурожаат қилиш лозимлиги, бепарволикка йўл қўйган ҳар бир шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланганлиги борасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- ҳудудда яшовчи фуқаролар орасидан муомалага лаёқатли, лекин доимий ижтимоий фойдали машғулот турига эга бўлмаган (ўқишга қатнамаётган ёки ишсиз) ва жиноят содир этишига мойил бўлган шахсларни (муқаддам судланган, сурункали спиртли ва гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчилар, эр-хотин ишламайдиган нотинч оилалар, ёлғиз яшаётганлар) ҳамда жабрланувчи бўлиб қолишга мойил шахсларни аниқлаш;

- уларнинг ноқонуний меҳнат муносабатларига киришганларни (қонуний рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик ёки ишлаб чиқариш ёхуд хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётганлар, ноқонуний ишлаётган корхонада ишлаётган ходимлар, меҳнат шартномаси тузмасдан ва меҳнат дафтари очмасдан ишлаётган ходимлар, ишлаш мақсадида хорижга ноқонуний йўллар билан ёки норасмий, ноқонуний ташкилотлар орқали кетувчилар) қонуний фаолият билан шуғулланишида амалий ёрдам кўрсатиб, қонун талаблари бўйича ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб бориш;

- фуқароларнинг кундалик ҳаётдаги соғлом турмуш тарзига, оилавий ҳаётга оид илмий, амалий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш;

- ҳудуддаги мактаб ва касб-ҳунар коллежи (академик лицей)га қатнамаётган, уйда ўтирган вояга етмаганларнинг оилавий шароитини, қатнамаслик сабабларини қисқача таҳлил этиб бориш, тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш, зарурат туғилса, уларнинг таълим олишига оид амалий ёрдам бериш;

- ҳудудда яшовчи фуқароларга ишга кириш ва меҳнат муносабатларига оид қонун талаблари бўйича тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тушунтириш ишларини олиб бориш;

- ҳудудда яшовчи меҳнат қилишга лаёқатли фуқароларнинг иш билан таъминланмаганларини аниқлаб, ёши, соғлиги, маълумоти, оилавий аҳволи, меҳнат қобилияти, эҳтиёжи ва яшаш жойини ҳисобга олиб, бўш иш ўринлари билан таништириш таъминлаш;

- ҳудудда яшовчи аҳолини мониторинг қилиш асосида вояга етмаганларнинг муайян таълим муассасасига қамраб олинганлигини ўрганиш, таълим муассасаларига қатнамаётган

шахсларга қонунда белгиланган ваколат доирасида амалий ёрдам кўрсатиш;

- ҳудудда яшовчи аҳолини мониторинг қилиш асосида вояга етган, лекин бирорта таълим муассасасига қатнамаган шахсларни аниқлаш ва зарурат бўлса, уларнинг бепул умумий таълим олиши бўйича қонунда белгиланган ваколат доирасида амалий ёрдам кўрсатиш;

- ҳудудда вояга етмаганларнинг мактабларга қамраб олинганлигини, мактаблардаги ўқувчилар сонининг белгиланган энг кўп сонига мослигини, мактабдан ташқари тўғарақлар, спорт-соғломлаштириш муассасалари мавжудлигини танқидий ўрганиб чиқиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;


- Б. Ниёзовнинг даромадини ўрганиш асосида, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар тоифасига кириш-кирмаслиги масаласини муҳокама қилиш;

- Б.Ниёзовни бандликка кўмаклашиш марказидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан таништирилишини таъминлаш, унинг ёши, соғлиги, маълумоти, оилавий аҳволи, меҳнат қобилияти, эҳтиёжи ва яшаш жойини ҳисобга олиб, муносиб иш ўрни билан таништирилишига эътибор қилиш тавсия этилди.

Бундан ташқари суд томонидан шу иш бўйича, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, туман ҳокимияти вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси билан ҳамкорликда ушбу шахснинг таълим олиши ва ишга жойлаштиришга оид ҳамкорлик ўрнатилди.

Судьялар томонидан шу турдаги қарорларнинг чиқарилишидан кутилаётган асосий мақсад — одил судлов самарадорлигига оид қабул қилинаётган Фармон ва қонунларда белгиланган вазифаларни бажариш, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини оқлаш ва мамлакат аҳолиси ўртасида билиб-билмай жиноят кўчасига кирган шахсларга тўғри йўналишни кўрсатиш асосида жиноятчиликни кескин камайишига эришишдир.





**Зокиржон
ИСМАТУЛЛАЕВ,**
суд фахрийси

ЎЗИГА ҚАРШИ ТЎҚИЛГАН ЁЛҒОН

Инсон мафкурасидаги ахлоқсизлик ва ёмон иллатлар оқибатида айрим кишилар ўз бошига ўзлари кулфат сотиб олишади. Натижада уларнинг яқинлари ҳам бундан азият чекишга мажбур бўлишади. Агар ҳар бир шахс ўз вақтида ақл ва фаросатни тўғри ишлата олганида эди, умрнинг олтинга тенг даврини роҳат-фароғатда, оила аъзолари орасида ўтказган бўлар эди.

“Билмайин босдим тиконни тортадурман дардини”, деганларидек Ашур ҳам бошига тушган ташвишдан қутулиш учун нима қилишини билмай қолди. Бўлиб ўтган воқеани ё тўғриси-ни айтиш керак ёки обрўсини сақлаб қолиш ва яқинларининг дилини оғритмаслик учун оғриқли ҳақиқатни айтмасдан уларга ёлғон гапириш керак. У иккинчисини танлади. Лекин, ҳар бир ёлғон бор муаммони янада чигаллаштириб юбориши мумкинлигини чуқур ўйлаб кўрмади...

Оила бошлиғи, тўрт фарзанднинг отаси, вилоятдаги ошхоналардан бирида бош ошпаз бўлиб ишлаётган Ашур марказда истиқомат қилувчи бошқа бир аёлга ўралашиб қолди ва унинг нозу карашмалари ва хусни жамолига мафтун бўлиб, ўз оиласига хиёнат қилишни бошлади. У ҳар сафар марказга келганда таниши учун совға-саломлар билан келар ва бир-икки кун туриб, уйига қайтар эди. Бундан ҳеч кимнинг хабари йўқ деб, ўйлар эди у. Лекин, уларнинг яширинча ҳаракатлари Оллоҳга аён эканлиги унинг хаёлига ҳам келмас эди.

Кунларнинг бирида Ашур марказга кечроқ етиб келди ва кеч соат 22.00 ларда таниши Рухиянинг эшик кўнғироғини босди. Меҳмон уйга кирганда у ерда яна бир аёл ва бир эркак бор эди. У эркакнинг кимлигини сўради ва Рухиядан бир аниқ жавоб ололмагач рашк қилиб, кайфияти бузилди. Рухияни хиёнат қилишда айблаб, ҳақоратлай кетди. Ўзи билан олиб келган совға-саломларни сочиб ташлади. Энди бу ерда қолишнинг имкони ҳам, фойдаси ҳам йўқлигини англаган Ашур эшикни бир тепиб кўчага чиқиб кетди.

У Рухиянинг уйдан 30 метрлар чамаси нарида бўлган автобус бекатида бориб ўзини тинчлантирди ва автобус кута бошлади. Шу пайт унинг олдида милиция машинаси келиб тўхтади ва уни машинага ўтқазиб ички ишлар бўлимига олиб боришди. Сумкасида кичкинагина пакки пичоқ, бир нечта лотерея билети ва озгина пул чиқди.

Кейинчалик аён бўлишича, ўзларининг шарманда бўлишидан кўрққан Рухия ва унинг дугонаси “кўрққан олдин мушт кўтарар” қабилида иш тутиб, милицияга кўнғироқ қилишган ва кечаси тунда бир номаълум шахс уларнинг деворидан ошиб тушиб, пичоқ ўқталиб, улардан пул талаб қилганлиги ва шифонерларни ҳам титиб ташлагани тўғрисида хабар беришган ва ҳатто “босқинчи” айна патда қаерда турганлигини ҳам айтишган.

Дастлабки тергов давомида ва кейинчалик суд мажлисида Ашур оиласи ва яқинлари бошқа аёл билан бўлган муносабатини билиб қолишларидан кўрқиб, воқеанинг ҳақиқий ҳолатини айтмаган ва ўша куни аёлларнинг олдида адашиб кириб қолганлигини, лекин ҳеч кимдан пул талаб қилмаганлигини, пичоқ ҳам кўрсатмаганлигини айтгач, суд Ашурни босқинчилик жиноятини содир этишда айбдор деб топиб, уни 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқаради. Ашур ҳукм устидан шикоят қилмайди.

Ўзига қарши қаратилган ёлғон кўрсатмалар асосида қамоқда ўтирган Ашур ойна этак билан ёпиб бўлмаглигини англаб ета бошлайди. Бу орада қамоқда бир ярим йил ўтириб, ҳам маънан ҳам жисмонан чарчаган Ашурнинг соғлиги ҳам ёмонлашади. Уйда қолган турмуш ўртоғи, фарзандлари ва кекса онаси кўз олдида келади ва нима бўлса ҳам ҳақиқатни айтишга қарор қилади. Шу аснода Ашурнинг шикояти Олий суд томонидан кўриб чиқилади ва ҳукм бекор қилиниб, иш қайтадан кўриб чиқиш учун биринчи босқич судига юборилади.

Иккинчи суд жараёни

Процессуал қонун талабларига кўра ҳар бир жиноят иши бўйича тўпланган далиллар иш ҳолатларига тўғри келиши, улар қонун талабларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилган бўлиши, айбланувчининг ҳаракатларида унга кўйилаётган айбнинг барча белгилари мужассамлиги





исботланган бўлиши лозим. Акс ҳолда гумонланувчининг ҳаракатларида жиноят аломатлари умуман йўқ бўлиши ёки унинг айби етарли далиллар билан исботланмаган бўлиб чиқади.

Кейинги суд мажлисида судланувчи унга қўйилган айбга умуман иқрор бўлмасдан, таниши Рухияни 5-6 йилдан буён билишини, ҳар сафар марказга келганда униқанда ётиб қолишини, муносабатлари яхши бўлганлигини, бу ҳақда уйдагилари билмаслигини, ҳар сафар келганда совға-саломлар билан келишини, ҳовлини, уйни тузилишини, яъни қаерда нима жойлашганлигини жуда яхши билишини, ўша куни девордан ошиб тушмаганлигини, аксинча Рухияни ўзи эшик олдида кутиб олганлигини, уйга киришганда у ерда бўлган нотаниш эркакни кўриб жаҳли чиқиб кетганлигини, сен менга хиёнат қилдинг, ишончини ҳам йўқотдинг деб, уни ҳақоратлаб кўчага чиқиб кетганлигини, ҳеч кимдан пул талаб қилмаганлигини, ҳеч нарсадан хабари йўқ ҳолда автобус бекатида автобус кутиб турганида милиция машинаси келиб уни ички ишлар бўлимига олиб кетганлигини, ҳақиқатдан ҳам унинг сумкасидан кичкина паки пичоқча, лотерея ва озроқ пул чиққанлигини, аввалги судда шарманда бўлишдан кўрқиб, бошқача кўрсатма берганлигини, ҳозирда соғлиги ёмонлашганлигини, ҳақиқатни яширишдан ҳеч бир фойда чиқмаслигига ақли етганлигини кўрсатган.

Жиноят иши кўздан кечирилганда воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида айбланувчи қайси деворнинг қаеридан ошиб тушганлиги кўрсатилмаганлиги, излар олинмаганлиги, ушбу ҳужжатга жабрланувчидан бошқа ҳеч ким имзо чекмаганлиги аниқланди. Айбланувчидан олинган нарсалар тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат тузилмаган ва паки пичоқ ашёвий далил деб топилмаган. Гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра воқеа содир бўлган куни айбланувчини эшик олдида бир аёл кутиб олган ва улар ичкарига кириб кетишган. Гарчанд айбланувчи босқинчиликда

айбланаётган бўлса-да, жабрланувчига нисбатан бирон бир ҳужум қилинганлик тўғрисида ишда далил келтирилмаган, жабрланувчининг ҳеч нарса йўқолмаган ва ҳеч кимга ҳеч қандай тан жароҳати ҳам етказилмаган.

Суд мажлиси давомида судланувчининг гапларини текшириш мақсадида суд томонидан суд залининг ўзида унга тоза қоғоз тақдим этилиб, воқеа содир бўлган уйнинг тузилиши ва қаерда нималар жойлашганлигини чизиб бериш таклиф қилинганда, у ҳовли ва уй схемасини аниқ тарзда чизиб берди. Жабрланувчига воқеа жойига чиқиб ҳовлини кўздан кечириш таклиф этилганда у бунинг ҳожати йўқлигини, чизма тўғри чизилганлигини тасдиқлади.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, иш бўйича тўпланган далилларга баҳо берган ҳолда судланувчига қўйилган айб ўз тасдиғини топмаганлигини қайд этди. Тез орада Ашур қамоқдан озод этилиб, ўз оиласи бағрига қайтди.

Ҳақиқат қарор топди, лекин бу орада қанчадан-қанча кўнгилсизликлар, ташвишлар ва турли гап-сўзлар бўлиб ўтди. Кимлар биринчи суд мажлисини олиб борган судьядан норози бўлган бўлса, яна кимдир иккинчи судьяни судланувчини ёнини олганликда айблашдан тортинмади. Аммо, қонун ҳамма учун баробар эканлиги ўз тасдиғини топди ва олди-қочди сўзларга чизик тортди.

Халқимизда “Худо топмас жой йўқ” деган нақл бор. Кимки бир ноҳўя иш қилдими, бу дунёда, ё бўлмаса у дунёда албатта жазосини олади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор қила олмайди. Қаҳрамонимиз Ашур гарчанд ҳақиқат қарор топиб, айбсиз деб топилган бўлса-да, ўзининг нопок ишлари учун бир давр бунинг азобини тортди – аниқроғи бир ярим йил қамоқда ўтирди, соғлигини йўқотди, охир-оқибат адашганлигини яқинлари олдида ҳам тан олди. Ушбу ҳолат унинг учун бир ҳаётий сабоқ бўлган бўлса, айримлар учун эса огоҳликка даъват сифатида тарихга муҳрланди.

Изоҳ: Матнда номлар ўзгартирилган.



**Неъмат
АКБАРОВ,**
Тошкент шаҳар
маъмурий
судининг раиси

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ



**Дилбар
СУЙУНОВА,**
ТДЮУ Жиноят-
процессуал ҳуқуқи
ва криминалистика
кафедраси
доценти, ю.ф.д.

Бугунги пандемиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, вирус одамлар кўп тўпланган жойларда ва гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида кўп тарқалмоқда. Шу сабабли, дунёнинг барча давлатлари фуқароларнинг ҳаракатлинишни чеклаш билан боғлиқ қатъий чоралар кўрдилар ва кўплаб мамлакатларда карантин, айрим жойларда фавқулодда ҳолат жорий этилди.

Аммо аҳоли орасида карантин чораларини бузиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу муқаррар равишда хавfli касаллик тарқалишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик жорий этиш ва кучайтириш учун асос бўлди. Карантин вақтида ёлгон, текширилмаган ҳамда одамларда ваҳима уйғотадиган хабарлар тарқатадиган шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилик доирасида жиноий жавобгарликкача бўлган чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март куни “Коронавирус

пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли Фармони билан Инқирозга қарши курашиш Республика комиссияси таркиби тасдиқланди. Мазкур Фармонда кўзда тутилган асосий мақсад ушбу инфекция тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишдан иборатдир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 23 март куни “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 176-сонли қарор қабул қилиб, ушбу қарор билан “Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлади.

Давлатимиз томонидан Covid-19 инфекциясига қарши чора кўрилган бир вазиятда одамларнинг карантин талабларига, шахсий тозалик ва гигиена қоидаларига, айниқса, тадбирлар, тўй маросими ўтказиш чекловларига тўла амал қилинмаётгани тўғрисида кейинги пайтларда коронавирусдан зарарланиш ҳолатлари кескин ошиб бормоқда. Ушбу мураккаб вазият тақроран карантин қоидаларини кучайтиришга олиб



келди. Давлатимиз автомобиль ҳаракатларини чеклаш, вилоятлараро автотранспорт қатновларини вақтинча тўхтатиш, фуқароларни ўзини ўзи яқкалаш, масофа сақлаш, тиббий ниқоблар ва антисептиклардан фойдаланиш йўли билан пандемиянинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур бўлди.

Аммо айна пайтда белгиланган карантин қоидалари ва талаблари сўзсиз бажарилиши етарли даражада эмаслиги, айрим фуқаролар белгиланган чеклов тартибларига риоя қилмаётганлиги ҳолатлари учрамоқда.

2020 йил 24 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Қонунда карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик, шунингдек, уларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси янги 244⁵-моддаси билан тўлдирилган (Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади).

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари



ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши курашиш қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларни узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Жиноят кодекси 257¹-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат



давомида тарк этмаслик, касаллик юкиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса, –

*Аҳмоқ ўзин доно билан
тенг қилар,
Бир иш тутар, сўнгра
кетдан жанг қилар,
Зеҳнингни койитар,
ақлинг танг қилар,
Айтганинг бажармас,
ўртаб ёндирар.
Махтумқули*

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (бундан кейин МЖТК) карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юкумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашни назарда тутувчи янги III боб «Маъмурий жазо ва мажбурлов чораси» билан тўлдирилган.

Жумладан, карантин ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юкумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида санитария ва эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари 30 суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ўталиши таъминланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади.

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юкумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида жамоат жойларида ниқобсиз юриш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юкумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик ҳамда давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш,

карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Бундай жавобгарлик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.”

Ўзбекистонда карантин эълон қилинган кундан бошлаб карантинни чеклаш чораларини бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан 2020 йил 16 март кунидан бошлаб бугунги кунга қадар карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш учун жами 884 шахсларга нисбатан 611 маъмурий ишлар кўрилган. Булар фақат судда кўрилган ишлар бўйича маълумотлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг туман филиаллари томонидан кўриб чиқилган ишларда эса минглаб фуқаролар карантин қоидаларига амал қилмаганликлари учун жавобгарликка тортилганлар.

Бу рақамлар баъзиларнинг карантин қоидаларини бузмасликка ҳаракат қилганлигидан, бошқалари эса ўзларини ёки бошқаларни ўйламасдан одамлар ҳаётини хавф остига қўйиб, карантин қоидаларини кўпол бузганликдан далолат беради. Бир-



гина Чилонзор туман маъмурий судида карантин қоидаларига риоя қилмаслик билан боғлиқ 417 шахсга нисбатан 280 та маъмурий иш кўрилган. Мисол учун, Тошкент шаҳар Чилонзор туман маъмурий судининг 2020 йил 27 апрелдаги қарорига кўра фуқаро Ю. га нисбатан МЖТКнинг 54-моддаси билан (карантин қоидаларини бажармаслик) базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараварида – 669.000 сўм, 194-моддаси 1-қисми билан (ҳокимият вакилининг қонун талабларини бажармаслик) базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварида – 446.000 сўм жарима, МЖТКнинг 34-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараварида – 669.000 сўм жарима жазоси қўлланилган.

Суднинг қарорида фуқаро Ю. 2020 йил 26 апрель куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Гулистон мавзесида маст ҳолатда тиббий ниқобсиз карантин қоидаларига амал қилмасдан юрганлиги учун Миллий гвардия ходимининг тиббий ниқобсиз юрмаслиги ҳақидаги талаби ва шахсий ҳужжатларини тақдим этиши ҳақидаги қонуний талабларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортилган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Айни пайтда бутун дунё, шу жумладан, биз ҳам кўринмас душман билан чин маънода уруш олиб боряпмиз. Бу вируснинг барча хавф-хатарини тўғри баҳолаб, ҳар томонлама тайёргарлик кўриб курашсак, уни албатта енгамиз”, – деб тўғри таъкидладилар. Шунинг учун халқимизни карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзлари ва яқинларини асрашга чақирамиз!

**Собир Холбаев,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бизнес юритишининг янги модели сифатида кластерлик фаолиятининг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти, “кластер” атамасининг мазмун-моҳияти, кластернинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, кластерлик фаолиятига оид асосий масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунни қабул қилиш зарурати ҳақида илмий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: кластер, инновацион воя, ташкилий-ҳуқуқий шакл, кластер сиёсати, ишлаб чиқаришнинг кластер модели, ҳуқуқий мақом, ривожлантириш концепцияси, иштирокчилар, бирлашма.

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены научные мнения и обсуждения о роли кластерной деятельности в качестве новой модели ведения бизнеса в развитии экономики, содержания понятия «кластер», организационно-правовых формах кластера, необходимости принятия специального закона для урегулирования основных вопросов, касающиеся деятельности кластеров.

Ключевые слова: кластер, инновационная идея, организационно-правовая форма, политика кластера, кластерная модель производства, правовой статус, концепция развития, участники, объединение.

ANNOTATION

This article provides scientific opinions and discussions on the role of cluster activity as a new model of doing business in the development of the economy, the content of the concept of «cluster», organizational and legal forms of the cluster, the need to adopt a special law to resolve the main issues related to the activities of clusters.

Keywords: cluster, innovative idea, organizational and legal form, cluster policy, cluster model of production, legal status, development concept, participants, association.

КЛАСТЕР ТУШУНЧАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий бошқариш тизимини такомиллаштириш ва либераллаштириш орқали хорижий давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан эркин ва ҳалол рақобатга киришиш ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сўнгги пайтларда рақобатбардош, тежамкор ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда самарали тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда кластерларнинг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Шу билан бирга, ўз-ўзидан савол туғиладики, ишлаб чиқаришга оид кучларни ташкил қилишнинг истиқболли шакллари билан бири сифатида тан олинаётган бундай кластерлик фаолиятини ривожлантиришга айна пайтда қандай зарурат мавжуд? Аслида кластер нима? Унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли нимадан иборат? Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтамиз.

